

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА
ИННОВАЦИЯЛАР**

5 СОН, 3 ЖИЛД

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И
ПСИХОЛОГИИ**

НОМЕР 5, ВЫПУСК 3

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND
PSYCHOLOGY**

VOLUME 5, ISSUE 3



**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**
№5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Аскарлов Аббор Давлатмирзаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Педагогика йўналиши

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Психология йўналиши

Педагогика ва психологияда инновациялар журнал таҳририй маслаҳат кенгаши
Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology
Международный редакционный совет журнала Инновации в педагогике и психологии

Урзова Марина Батировна
Педагогика фанлари доктори

Муслимов Нарзулла Алиханович
Педагогика фанлари доктори, профессор

Джорасев Мухамматрасул
Педагогика фанлари доктори, профессор

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
Педагогика фанлари доктори

Халиков Аъзам Абдусаломович
Педагогика фанлари доктори

Аюпова Мукаррам
Педагогика фанлари номзоди, профессор

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
Педагогика фанлари доктори

Тўракулов Олим Холбўтаевич
Педагогика фанлари доктори

Шорена Дзамукашвили
Педагогика фанлари доктори

Шорена Вахтангишвили
Педагогика фанлари доктори

Саипова Малоҳат Латиповна
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


1.Мамаджанова Светлана, Джураев Икбол ОБУЧЕНИЕ ПРОГРАММИРОВАНИЮ ШКОЛЬНИКОВ МЛАДШИХ КЛАССОВ.....	4
2.Солиева Ҳавасхон, Хошимова Дилоромхон АГАР БОЛА СИЗНИ "ЭШИТМАСА"... ЁХУД БОЛАЛАР АСАБИЙЛАШСА.....	9
3.Ўринов Уйғун, Адизова Севара ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ЁНДАШУВИ.....	15
4.Исхакова Мавлюда СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ВОСПИТАТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ НА ОСНОВЕ АНДРАГОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА.....	21
5.Тоштемиров Дониёр, Ниёзов Муҳаммад ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КУРСИДА БАЖАРИЛАДИГАН ТОПШИРИҚЛАР МАЗМУНИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	27
6.Мажидов Жасур ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА "ТРЕНЕР - СПОРТЧИ" ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	36
7.Davlatova Ra'no, Abdurahmonova Kamola KORREKSION PEDAGOGIKA MASHG`ULOTLARINI OLIV BORISHDA INNOVATION YONDASHUVNING ANAMIYATI.....	44
8.Хабибова Камила ПРИМЕНЕНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ГИМНАСТИКИ НА УРОКАХ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В ШКОЛЕ.....	51
9.Абдуфатаев Шержаҳон, Тўйчиев Атҳам ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	57
10.Юсупова Дилором ТАЛАБАЛАР МУЛОҚОТИ ЭТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ҲУСУСИЯТЛАРИ.....	64
11.Дадажоновна Мартабохон ПЕДАГОГНИНГ КРЕАТИВЛИК ПОТЕНЦИАЛИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	70
12.Бакиева Муҳаббатхон ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАРДА ИЖТИМОИЙ ФАОЛ ШАХС СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.....	76

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

**Мамаджанова Светлана Валентиновна,
Джураев Икбол Илёсович,
Кокандский государственный
педагогический институт,
преподаватели кафедры
"Методика преподавания информатики".
svetlika699@gmail.com, iqbol_rain@mail.ru**

**ОБУЧЕНИЕ ПРОГРАММИРОВАНИЮ ШКОЛЬНИКОВ
МЛАДШИХ КЛАССОВ**

For citation: S.V. Mamadjanova, I.I.Djuraev. Primary schoolchildren programming training. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 4-8

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-1>

АННОТАЦИЯ

В статье обсуждается необходимость и актуальность обучать программированию школьников уже с младших классов, рассмотрены наиболее популярные на сегодняшний день средства, которые предназначены для обучения алгоритмизации и программированию школьников начальной школы для самостоятельного обучения и внутри классной комнаты, приведены краткие характеристики и преимущества каждой из них.

Ключевые слова: алгоритм, алгоритмическое мышление, программирование, Code.org, Blockly Games, Scratch.

**Мамаджанова Светлана Валентиновна,
Джураев Икбол Илёсович,
Қўқон давлат педагогика институти,
"Информатика ўқитиш методикаси"
кафедраси ўқитувчилари.
svetlika699@gmail.com, iqbol_rain@mail.ru**

**БОШЛАНГИЧ СИНФЛАР ЎҚУВЧИЛАРИГА
ДАСТУРЛАШНИ ЎҚИТИШ**

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич синфлардаги мактаб ўқувчиларига дастурлашни ўргатишнинг зарурлиги ва долзарблиги ҳақида фикр юритилади, бошланғич синфлар ўқувчиларига мустақил ўқиши ва синф ичида алгоритмизация ва дастурлашни ўргатиш учун энг машхур воситалар кўриб чиқилган, уларнинг хар бирининг қисқача хусусиятлари ва афзалликлари келтирилган.

Калит сўзлар: алгоритм, алогитмик фикрлаш, дастурлаш, Code.org, Blockly Games, Scratch.

**Mamadjanova Svetlana Valentinovna,
Djuraev Ikbol Pyosovich,**

Kokand state pedagogical institute,
teachers of the department

"Methodology of teaching informatics"

svetlika699@gmail.com , iqbol_rain@mail.ru

PRIMARY SCHOOLCHILDREN PROGRAMMING TRAINING

ABSTRACT

The article discusses the necessity and relevance of teaching schoolchildren programming from elementary grades, considers the most popular tools today that are designed to teach algorithmization and programming for elementary school students for self-study and inside the classroom, gives brief characteristics and advantages of each of them.

Keywords: algorithm, algorithmic thinking, programming, Code.org, Blockly Games, Scratch.

*Каждый в этой стране должен научиться программировать,
потому что это учит людей думать.*

Стив Джобс

Компьютерная грамотность, владение компьютерными технологиями являются в современной жизни необходимостью. В Постановлении Президента Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёева "О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий" сказано: "Внедрение и развитие компьютерных и информационных технологий в отраслях реальной экономики, в сфере управления, бизнеса, науки и образования являются первоочередными задачами". Анализируя источник теории и практики информатизации общества в Узбекистане, можно сказать, что стратегия развития информатизации общества должна базироваться на широком применении развития интеллекта учащегося, и формирования его логических способностей. Важной составляющей интеллектуального развития человека является алгоритмическое мышление. Наибольшим потенциалом для формирования алгоритмических способностей школьников среди естественнонаучных дисциплин обладает информатика. Анализ развития стандарта образования по информатике позволяет сделать вывод: формирование алгоритмических способностей школьников - важная цель школьного образования на разных ступенях изучения информатики.

Алгоритмические способности являются необходимой частью научного взгляда на мир [1].

Понятие алгоритмизации связано с понятием программирование, поэтому целесообразно начать обучение программированию с развития логики, с понятия сначала алгоритма, составлению алгоритма и затем уже переходить к решению более сложных задач.

Программирование один из ключевых навыков, которому нужно обучать ребенка уже с младших классов. Компьютерный код -это тот же иностранный язык, только он позволяет разговаривать с компьютером, ставить ему задачи и контролировать их выполнение. И знание этого языка сегодня так же необходимо, как знание английского и математики. Мы живем в цифровую эпоху. Обучение программированию поможет ребенку развить логику, научат мыслить аналитически и находить решения непростых задач.

Хотелось бы познакомить вас с теми средствами с помощью которых мы можем научить программировать детей, и не только научить, но и главное заинтересовать. Многие среды программирования являются модульными и поэтому детям это очень быстро надоедает, они теряют интерес к занятию программированием. Можно ли начать обучение программированию детей младших классов? Ответ: не только можно, но и нужно.


Так как программирование должно быть реализовано с помощью каких-либо исполнителей, то можно воспользоваться готовыми продуктами от компаний Google и MIT (Массачусетский технологический институт). Этими компаниями разработано много средств с помощью которых можно научить детей даже более младшего возраста.

Одним из таких сред является сайт Code.org (рис.1.), с помощью которого можно приступить к обучению алгоритмизации и программированию, причем даже с такого маленького возраста как 4-5 лет. Созданная в 2013 году обучающая платформа code.org является некоммерческой, полностью бесплатной системой онлайн обучения посвященной популяризации программирования среди всех желающих его изучать. Среди создателей и спонсоров - знаменитые личности в IT-индустрии: Марк Цукенберг (Facebook), ГейбНьюэл (Valve), Билл Гейтс (Microsoft), Джек Дорси (Instagram) и другие. Создатели проекта считают, что каждый учащийся в каждой школе должен иметь возможность изучать информатику и программирование на доступном уровне.

Рис.1 Интерфейс сайта code.org.

Code.org поможет всем желающим независимо от их возрастных категорий и способностей войти в мир современных IT-технологий.

Обучение проходит в игровой форме, но охватывает все



основные базовые понятия языков программирования. Используется язык - "Blockly", детям не нужно запоминать текстовые конструкции для написания кода. Составление скриптов (алгоритмов) производится путем перетаскивания блоков с командами и другими конструкциями в область кода.

Целесообразно использовать code.org перед изучением языка Scratch. Так как он предоставляет уже готовые разработанные курсы с которых удобно быстро начать обучение. Все курсы предоставлены на многих языках, в том числе и на русском.

Платформа code.org также может быть полезна преподавателям информатики. Учитель может создать виртуальный класс, выбрать курс для изучения (предложено множество курсов для разных возрастных категорий), добавить учащихся (поддерживается экспорт списка) и можно приступать к обучению. После создания учётной записи, учитель может контролировать прогресс своих учащихся. [2]

После того как учитель настроил класс, каждому учащемуся выдается уникальное секретное слово. У каждого класса есть персональная ссылка для входа. С помощью этой ссылки и секретного слова и осуществляется вход в аккаунт учащегося. Сервис можно использовать для организации дополнительного домашнего задания или на факультативных занятиях и кружках.

Ещё одним из сервисов, который позволит детям начать изучать программирование в игровой форме, это сайт blockly-games.appspot.com.

Blockly Games - это серия развивающих игр, которые учат программированию. Он предназначен для детей, которые не имели опыта программирования. Правила, выполнения заданий, описаны на каждой странице. Например, в одном из заданий, достаточно собрать предоставленные пазлы, продемонстрировать и описать их соответствующие возможности. Когда ребенок завершил составление этого алгоритмов, он может проверить результат, изменить в случае неправильного ответа и вернуться к дальнейшему выполнению заданий. Не все задания тривиально просты, есть задания довольно сложные. На этапах № 9 и 10 требуется действительно не просто какое-то элементарное мышление, но и хорошее математическое и даже логическое мышление. Запуская программу, вы не только реализуете игровой метод обучения алгоритмам в процессе составления блок-схем, но и реализуете сразу демонстрацию кода на JavaScript, что может конечно же понадобится в проектной деятельности либо уже в дальнейшем при развитии функциональной грамотности. С веб-сайта разработчика, <https://github.com/google/blockly-games/wiki/Offline>, можно скачать ZIP-файл с заданиями для автономной работы на компьютере.

Более серьёзным инструментом является программа Scratch, которая аналогична предыдущим играм реализуется с помощью спрайтового программирования и позволяет реализовывать множество интересных программ с помощью исполнителя в графическом виде. Программы составляются довольно просто перемещением блоков и соответствующее им исполнение. В данной среде можно управлять готовыми графическими персонажами и в процессе рисования созданными ими объектами, поэтому эта среда вполне может быть использована для учащихся при обучении программированию и даже в процессе изучения основ робототехники и электроники. Среда для обучения программированию учеников младших классов Scratch, специально разработанная компанией MIT для учеников данной возрастной категории и поэтому учитывающая особенности их обучения.

Его задача научить ребенка алгоритмическому мышлению в игровой форме.

Инструмент поставляется в двух видах:

1. Как отдельное приложение Scratch. Устанавливается на компьютер под управлением ОС Windows/MacOS/Linux

2. Веб-приложение, доступное на www.scratch.mit.edu

Большим плюсом последнего варианта является возможно зарегистрировать свой профиль на сайте и начать делиться своими scratch-проектами с другими участниками сообщества scratch-программистов. [3]

Обучение с применением Scratch является процессом, развивающим и увлекательным по своей сути: среда предоставляет возможность создания мультфильмов с участием, как одного, так и нескольких персонажей (спрайтов), видеоизменять их внешность, перемещать по экрану, программировать их взаимодействие. Программная среда Scratch приобрела огромную популярность, во многих американских университетах предлагается, как первая среда разработки для начинающих программистов. Программная среда Scratch дает возможность ученикам быстрее освоить множество реальных техник программирования. Интерфейс программы спроектирован и сделан в расчете на детей, поэтому он максимально хорошо понимается интуитивно.

Как утверждают разработчики, Scratch помогает детям учиться думать творчески и критически, работать вместе - а это базовые навыки для жизни в XXI в.

Таким образом, развитие логического мышления в учебном процессе и, конечно же, на уроках информатики актуально и необходимо современному ученику для развития и совершенствования информационной компетенции, которая позволит стать успешным ученику школы в современном обществе. Алгоритмические способности не являются врожденным, значит, на протяжении всех лет обучения в школе необходимо всесторонне развивать мышление учащихся (и умение пользоваться мыслительными операциями), учить их логически мыслить. Логика необходима там, где имеется потребность систематизировать и классифицировать различные понятия, дать им четкое определение. Для решения данной проблемы необходима специальная работа по формированию и совершенствованию умственной деятельности учащихся.

Рассмотренные в данной статье, популярные на сегодняшний день средства призваны раскрыть способности ребенка к программированию как можно раньше, а так же поощрять будущих программистов. Они предназначены как для самостоятельного обучения, так и для обучения внутри классной комнаты.

Сноски / Иқтибослар /References:

1. Доклад развитие логического мышления старшеклассников на уроках информатики в условиях введения ФГОС 2014г. (Report development of logical thinking of high school students in computer science lessons in the context of the introduction of the FSES 2014.)

2. Программирование с code.org. Макс Хорсун 2016г. (Programming with code.org. Max Horsun 2016.)

3. Программирование для детей. Кэрол Вордерман. 2017г. (Programming for children. Carol Vorderman. 2017)

4. Code.org

5. <https://github.com/google/blockly-games/wiki/Offline>


6. www.scratch.mit.edu

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Солиева Ҳавасхон Омоновна,
Қўқон давлат педагогика институти
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
Хошимова Дилоромхон Анваровна
Қўқон давлат педагогика институти
Умумий педагогика ва психология
кафедраси ўқитувчиси

**АГАР БОЛА СИЗНИ "ЭШИТМАСА"... ЁХУД БОЛАЛАР
АСАБИЙЛАШСА...**

For citation: Kh.O. Soliyeva, D.A.Hoshimova. If the child "does not hear" you ... Or when children becomes nervous. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 9-14

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада болаларда кузатиладиган асабий-руҳий бузилишларнинг келиб чиқиши, сабаблари, оила муҳити ва таълим муассасасидаги жараёнларга таъсири ҳамда уни бартараф этиш бўйича тавсиялар ёритилган. Масаланинг ушбу жиҳати шу пайтга қадар халқаро доирада нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: "Бебош бола", руҳий ҳолат, таълим муассасаси, хулқ-атвор, ота-она назорати, оилавий муҳит, оила, фарзанд, муносабат, қайсарлик, ақл-идрок, одоб, тафаккур, муомала.

Солиева Ҳавасхон Омоновна,
преподаватель кафедры общественных наук
Кокандского государственного
педагогического института
Хошимова Дилоромхон Анваровна
преподаватель кафедры педагогика и психология
Кокандского государственного
педагогического института

ЕСЛИ РЕБЕНОК "НЕ СЛЫШЕТ" ВАС... ИЛИ КОГДА ДЕТИ СТАНОВЯТСЯ НЕРВНЫМИ...

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются возникновения причины нервно-психологических расстройств у детей, их влияние на семейное положение и образовательный процесс. Даны рекомендации по их предотвращению. Данный подход к этому вопросу послужит дополнительным материалом к ранее опубликованным работам в международных научных кругах.

Ключевые слова: "непослушный ребенок", психологическое состояние, учебное заведение, характер, контроль родителей, семья, отношения, упрямство, ум, воспитание, мышление, поведение.

Soliyeva Khavaskhon Omonovna

Teacher of social sciences department of
Kokand state pedagogical institute

Hoshimova Diloromgon Anvarovna

Teacher of general pedagogy and psychology department of
Kokand state pedagogical institute

IF THE CHILD "DOES NOT HEAR" YOU ... OR WHEN CHILDREN BECOMES NERVOUS

ABSTRACT

This article the children occur observed nervous-mental immorality, reasons the family environment and educational establishment process and beforehand recommendations about talking opinions. The main point of the article is about the government and division of positions.

Keywords: "Unbridleed child", be at mental, educational establishment, conduct, supervise control by parents, marital status, family, child, relation, obstinacy, intelligence, propriety, thought, treatment.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек халқи азалдан ўз маданияти ва маънавиятида комил инсонларни вояга етказишга катта эътибор қаратган. Глобаллашув жараёнида миллий анъана ва урф-одатлар глобаллашув таъсиридан четда қолмаганлиги сингари оилада бола тарбиясида ҳам турли ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳар бир миллатга хос бўлган бола тарбиясида ҳам тарбия бериш усул ва шакллари ўзгарди.

Болаларда атрофдагиларга нисбатан меҳр-шафқат, ширинзабонлик, очиқ чеҳралик, инсон дилини оғритмаслик, ширин муомала қилиш каби фазилатларнинг бўлиши оила муҳитига боғлиқлик юқори даражада. Оиладан сўнг фарзандларимиз мактабда олий даргоҳларда ҳамда ҳаётни кузатиш орқали тафаккурини, фаҳм-фаросатини, ақл-идроқини сайқаллаб, ўткирлаштириб бораверади.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Педагогик узоқ йиллик меҳнат фаолиятимиздан

келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълим жараёнида педагоглар ва таълим олувчилар орасида айрим келишмовчиликлар кўзга ташланилмоқда. Масалан, ёшларнинг тезда асабийлашуви, тажанглик ҳолатининг юқорилиги ҳамда вазминликнинг етишмаслигидир. Педагоглик фаолиятимизда учраётган бундай ҳолатларга назар соламиз. Нима учун болаларда ҳам асаб бузилишлари кўп учрамоқда. Бунинг асосий сабаби нима? Оила муҳитида ёки таълим муассасасидаги нотўғри тарбиями ёки бирор-бир касаллик асоратими?

Одобнинг элементар шакллари оила муҳитида шаклланади. Ахлоқ кишиларнинг хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини, уларнинг ўз-ўзига бошқа кишиларга, меҳнатга, жамиятга муносабати каби ахлоқий тушунчаларни ўз ичига олувчи ижтимоий онгнинг шаклларида биридик [1, 122 б.]

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Зарифбой Ибодуллаевнинг фикрича, ҳар икки ҳолат ҳам сабаб бунга бўлади. Чунки, нотўғри тарбия ҳам, бош мия касалликлари ҳам боланинг хулқ-атворини кескин ўзгартириб юборади. Боланинг мияси нафақат анатомик жиҳатдан катталашиб ва шаклланиб боради, балки ташқарида бўлаётган салбий ва ижобий маълумотлар ҳам бола хотирасида сақланиб қолади [2, 248 б.]. Кўп вақт ўтмай ота-она ҳам, жамият ҳам уларнинг натижасини боланинг хулқ-атворида кўради. Боланинг яшаш тарзи, асосан, тақлидга асосланганлигини унутмаслик керак. Тақлид боланинг ҳаёт тарзи ҳисобланади Эрта болалик давридан тортиб ўсмирлик даври тугагунга қадар бола бошқаларга тақлид қилиб яшайди. У нафақат ота-онаси, атрофдаги кўни-қўшнилар ва мактабдаги устозларига, балки кино қаҳрамонлари, артистлар ва машҳур футболчиларга (айниқса, ўсмирлар) ҳам тақлид қилади. Буларнинг ичида боланинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар кўп бўлиши мумкин.

Мана шу салбий таъсирларни бартараф этиш учун таълим-тарбия жараёнида нималар қилиш керак?

Аввало, тарбия бу - тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар билан тарбияга эга бўлган кишилар тарбияланувчилар билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатмасалар тажриба ва билим ўргана ололмайдилар.

Тарбия жараёнида:

- мақсадга йўналганлик;
- кўп омиллик;
- жўшқинлик;
- доимийлик;
- узлуксизлик;
- комплекслилик;
- вариантлик;
- икки томонлама характер.

Натижаларнинг олислигини [3, 255 б.] инобатга олиб, ахлоқий-ҳаётий мувозанат ва психологик қулайлик ҳолатини ушлаб туриш ҳамда жисмоний ривожланиш меъёридан узоқлашиб кетишга йўл қўймаслик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Беўхшов ҳаракатлари жуда кўп, жаҳлдор, йиғлоқи, ота-онасининг гапига кирмайдиган, ўз билганидан қолмайдиган, паришонхотир, ака-укалари ва ўз тенгдошлари билан чиқиша олмайдиган, ўжар ва қайсар болаларда учрайдиган симптомлар мажмуасига гипердинамик синдром деб аталади. Ушбу синдромнинг

синонимлари кўп: "Гиперактив синдром", "Миянинг минимал дисфункцияси", "Гиперкинетик синдром" ва ҳоказо. Менимча, бу синдромга яна бир ном бериш лозим, яъни "Бебош бола" синдроми [2, 251 б.].

"Бебош бола" синдроми шаклланишида ижтимоий омиллар, яъни оилавий шароит ёки наслий омиллар асосий ўрин тутадими ёки йўқми, буни аниқлаш қийин. Баъзи мутахассислар фикрича, оиладаги жанжал ва можаролар ҳамма вақт ҳам ушбу синдром ривожланишига сабаб бўлавермайди. Чунки бола ҳам оила муҳитидаги жанжалли шароитга кўникиб кетиб, оиладаги можароларга эътиборсиз бўлиб қолиши мумкин. Бироқ ушбу жанжаллар ва терговлар айнан болага тўғридан-тўғри қаратилган бўлса, албатта бу вазият "Бебош бола" синдроми шаклланишига туртки бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Болани текшираётган ҳар бир шифокор ташхис қўйишга шошмасдан, уни бир неча кун кузатиши лозим. Бу ерда боланинг ҳаёт тарзи ва ўтказган касалликларини чуқур ўрганиш зарур. Агар болада ушбу синдромни юзага келтирувчи асаб касалликлари аниқланмаса, бу синдромнинг ривожланишига яқин орада бўлиб ўтган оила, мактаб ёки кўча-кўйдаги жанжаллар сабабчи бўлган бўлиши мумкин ва ҳоказо. Одатда, хулқ-атворнинг бундай бузилишлари вазият тўғрилангандан кейин ўтиб кетади.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларга ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлик хислатларини узатиб, шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишинигина таъминлаб қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Шу сабабли оилавий тарбия мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради [4, 54 б.].

Тадқиқот натижалари. Ташхисни тўғри аниқлаш учун, авваламбор, касаллик ва ҳаёт анамнезини йиғиш ўта муҳим. Бунда онанинг ҳомиладорлик, бола туғилган вақти ва туғилгандан кейинги даврдаги касалликлар эътиборга олинади. Унинг қандай оилада ўсиб-улғайгани, оила аъзоларининг ўзаро муносабати, темпераменти, ижтимоий келиб чиқиши хронологик тарзда ўрганилади. "Бебош бола" синдромига олиб келувчи барча омиллар ўзаро солиштирилади ва уларнинг ушбу синдром ривожланишидаги ўрни баҳоланади. "Бебош бола" синдромини аниқлаш учун фақат ота-онанинг йиғилган маълумотлар етарли эмас. Унинг ўқитувчилари, тарбиячилари ва бирга ўйнайдиган яқин ўртоқларидан ҳам маълумотлар йиғиш зарур.

"Бебош бола" синдромининг асосий белгилари бола иродаси, ҳис-туйғулари ва хулқ-атворининг бузилишларидан иборат.

Булар:

- 1) импульсив (тезкор) ҳаракатлар;
- 2) бир жойда тинч ўтира олмаслик;
- 3) бошлаган ўйинни охирига етказмаслик;
- 4) бировнинг (айниқса, ота-онанинг) гапига қулоқ солмаслик;
- 5) ўз билганидан қолмаслик, қайсарлик;
- 6) диққатнинг пасайиши, уқувсизлик;
- 7) атрофдагилар ишига ва бошқа болалар ўйинига аралашиб, уларга ҳалақит бериш;
- 8) тез-тез жанжал чиқариш, укаларига азоб бериш ёки уларга бутунлай бефарқлик;
- 9) ўзининг нарсаларини боғчада, мактабда ёки бошқа жойда унутиб қолдириш;
- 10) берилган саволга шошиб жавоб бериш;

- 11) тез хафа бўлиш, йиғлоқлик;
- 12) боши оғриб туриши;
- 13) фикрининг тез чалғиши;
- 14) сергаплик. [2, 253 б.]

"Бебош бола" синдроми белгилари, одатда, 5-7 ёшлар орасида кўзга ташлана бошлайди, шифокор ёки психологга мурожаат қилиш даври 8-11 ёшларга тўғри келади. Бу давргача ота-она вазиятни фақат тарбиялаш йўли билан тўғрилашга ҳаракат қилади. Бу йўл ёрдам беравермагач шифокорга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Ўсмирлик даври боладан диққат-эътибор ва мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни талаб қилувчи давр. Айнан мана шу хусусиятлар "Бебош бола" синдромида турли даражада ўзгарган бўлади ва болада ўқишга қобилият бўлса-да, хулқ- атворнинг юқорида кўрсатилган бузилишлари унинг мактабда янги мавзуларни ўзлаштиришига тўсқинлик қилади.

"Бебош бола" синдроми психологик тестлардан фойдаланиб ҳам аниқлаш мумкин. Бироқ психологик тестларни асосий диагностика қуроли сифатда қабул қилмаслик керак. Психологик тестлар тиббий текширувларга ёрдам берувчи қўшимча текширув усули, холос. Бугунги кунда ушбу синдромни тўла аниқлаб берувчи психологик тест мавжуд эмас. Тўғри ташхис қўйиш учун энг зарур бўлган усул - бу шифокор ва психологнинг кузатуви. Боланинг ақлий ривожланишини аниқлаш учун хорижда кенг тарқалган Векслер шкаласидан фойдаланилади. Бироқ бу шкала ҳам боланинг хулқ-атворини тўла акс эттириб бера олмайди.

Ақлий ривожланиши яхши бўлса-да, "Бебош бола" синдроми аниқланган баъзи болалар мактабда ёмон ўқишади. Бунинг сабаблари диққатнинг сустлиги, дарсни қунт билан эшитмаслик ва хулқ-атворнинг ёмонлиги. Шунингдек, уларнинг баъзиларида ёзиш, ҳисоб ёки ўқиш каби қобилиятлар суст ривожланган бўлади. Шу сабабли ҳам улар дарсни яхши ўзлаштира олишмайди. "Бебош бола" синдроми даволашда психологик суҳбатларга, психотерапияда хулқ-атвори коррекция қилишга қаратилган самарали усулларга урғу бериш лозим. Бундай психотерапевтик усуллар жуда кўп. Уларни танлашда боланинг жинси, ёши ва тафаккур даражаси эътиборга олинади. "Бебош бола" синдроми даволаш баъзан ўта мураккаб кечади, айниқса, унинг келиб чиқишида наслий омил аниқланса. Баъзи ҳолларда даволаш самарасиз бўлади ёки психокоррекция даври чўзилиб кетганлиги сабабли ота-оналар даволанишни тўхтатиб қўйишади. Шунинг учун ҳам хулқ-атвори ўзгарган болаларга мослаштирилган махсус психоневрологик йўналишдаги сиҳатгоҳлар, мактаблар ва меҳрибонлик уйлари мавжуд. Бу жойларда бола даволаниши, ўқишини давом эттириши ва яшаши мумкин.

М.М.Колтсова ва В.С.Мухинанинг [5, 94 б.] тадқиқотлари кўрсатишича, вазиятга кўра боланинг ҳиссиёт ва эмоциялари ҳам ижобий(муҳаббат, хурсандчилик), ҳам салбий (жаҳл, нафрат) бўлиши мумкин. Агар бола эҳтиёжи қондирилса ижобий (снетик) кечинмалар ҳосил бўлади. Боди-ю, вужудга келган вазиятда бола ўз эҳтиёжларини қондира олмаса салбий (астеник) эмоциялар пайдо бўлади.

Хулоса. Фикримизча, "Бебош бола"лардаги кескин ҳаракат (жаҳлдорлик, жирракилик, бетоқатлик, агрессив фиклаш, меъеридан ортиқ манманлик, дарс ва дарсдан ташқари топшириқларни бажармаслик, жанжалкашлик)лар мактаб муҳитида, синфдаги ўқув жараёнида бир қатор муаммоли вазият (дарс машғулоти вақтида ўзаро синф ўқувчилари жанжали, ўқитувчи-педагоглар ва мавжуд тартиб-қоидаларга бўйсунмаслик, уй вазифаларни вақтида ёки умуман бажармаслик,

тавсия этилган формада таълим муассасасига келмаслик, дарс жараёнига кеч келиш ёки эрта кетиш)ларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда педагоглар мулоқотга киришадигандаасосий вазифа болалар билан ўзаро тил топиш, бири-бирини тушунишдир. Бола оила, маҳалла, таълим муассаси муҳитида зерикаш, чарчаши мумкин, фақат бола мулоқотдан, айниқса унинг норасмий, самимий, бевосита шаклидан чарчамайди, ўқитувчининг яхши суҳбатдошлиги болани доимо маънавий жиҳатларини рағбатлантиради.

Ҳурматли устоз-мураббийлар, қадрли ота-оналар ҳар биримиз ўқувчиларимиз, тарбияланувчиларимиз, фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмайлик. Улуғ аждодларг мос буюк авлод бўлишдек муқаддас ишга барчамиз ўз ҳиссамизни қўшайлик. Болалаларимиз юриш-туришида, кайфиятида, хулқида, айтаётган сўзидаги ҳар бир салбий ўзгаришга эътибор қаратайлик. Зеро, буюк келажак бугундан бошланади.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Оила педагогикаси. - Т.: "Алоқачи", 2007. - бет 122. (Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan. Family pedagogy. - Т.: "Aloqachi", 2007)
2. Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. - Т.: "Шарқ", 2015. - бет 251-253. (Ibodullaev Z. Nerves and psyche. - Т.: "Sharq", 2015. - pages 251-253)
3. Avazboyev A.I., Ismadiyarov Y.U. Kasbiy pedagogika. - Т.: "Cho'lpon", 2014. - бет 255. (Avazboyev A.I., Ismadiyarov Y.U. Professional pedagogy. - Т.: "Cholpon", 2014)
4. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. - Т.: "Ўқитувчи", 1994. - бет 54. (Munavvarov A.Q. Family pedagogy. - Т.: "Teacher", 1994. - page 54.)
5. Z.Nishanova, Yu G.Alimova. Bolalr psixologiyasi va uni o'qitish metodikasi. "Adabiyot" jamg'armasi nashriyoti, Т., 2006. - бет 94. (Z.Nishanova, Yu G.Alimova. Child psychology and its teaching methods. Literature Foundation Publishing House, Т., 2006. - page 94)

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Уйғун УРИНОВ,


Бухоро муҳандислик-технология институти,
Машинасозлик технологияси
кафедраси докторанти
Педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори, PhD.
uygun21@mail.ru

Севара АДIZОВА

Бухоро муҳандислик-технология институти,
Машинасозлик технологияси
кафедраси катта ўқитувчиси

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ЁНДАШУВИ

For citation: U. Urinov, S. Adizova. Innovative efficiency in the education system. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 15-20

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-3>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим тизимини такомиллаштириш ва барқарорлаштириш ҳамда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини таъминлашда ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси билан бир қаторда буюк аждодларимизнинг бебаҳо таълим-тарбия соҳасидаги меъросларидан ҳам фойдаланиш таъкидланган. Таълим-тарбия жараёнида интерфаол методлар, инновацион, педагогик, психологик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайганлига эътироф этилган. Инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъерининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечими таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инновация, педагогик жараён, интеграция, мутахассис, мотивация, фаоллик.

Уйғун УРИНОВ,

Бухарский инженерно-технологический институт,

докторант кафедры
технологии машиностроения
uygun21@mail.ru
Севара АДIZOVA

Бухарский инженерно-технологический институт,
кафедра технологии машиностроения

ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье подчеркивается использование бесценного образовательного наследия наших великих предков, а также опыт развитых стран в совершенствовании и стабилизации системы образования и обеспечении права граждан на образование. Признано, что интерес к использованию интерактивных методов, инновационных, педагогических, психологических и информационных технологий в образовательном процессе в образовательном процессе растет день ото дня. Инновационная деятельность анализирует решение ряда проблем, возникших в результате несовместимости традиционных норм с новыми социальными требованиями или конфликта возникающей нормы практики с возникающей нормой.

Ключевые слова: инновация, педагогический процесс, интеграция, экспертиза, мотивация, активизм.

Uygun URINOV,
Bukhara Engineering Technological Institute,
Doctoral Department Technology
of Mechanical Engineering
Doctor of philosophy in pedagogical sciences, PhD.
uygun21@mail.ru
Sevara ADIZOVA
Bukhara Engineering Technological Institute,
Department Technology of Mechanical Engineering

INNOVATIVE EFFICIENCY IN THE EDUCATION SYSTEM

ANNATATION

This article emphasizes the use of the invaluable educational heritage of our great ancestors, along with the experience of developed countries in improving and stabilizing the education system and ensuring the right of citizens to education. It is recognized that the interest in the use of interactive methods, innovative, pedagogical, psychological and information technologies in the educational process in the educational process is growing day by day. Innovative activity analyzes the solution of a number of problems that have arisen as a result of the mismatch of traditional norms with new social requirements or the conflict of the emerging norm of practice with the emerging norm.

Key words: innovation, pedagogical process, integration, expertise, motivation, activism.

Республикамизда таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллашга доир кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Ушбу муаммонинг илмий- назарий асослари, ҳар бир педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ишлаб чиқилиб, етарли даражада тажрибалар тўпланди. Бугун биз янги технологияларга сарфланаётган маблағлар қай даражада ўзини оқлашини, уларнинг таълим сифатини ошириш, таълимни ривожлантиришга ва ахборот ҳамда коммуникация технологиялари қай даражада таъсир кўрсатишини англашимиз зарур.

Бугунги кундаги таълим тизимини такомиллаштириш ва барқарорлаштириш ҳамда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини таъминлашда ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси билан бир қаторда буюк аждодларимизнинг бебаҳо таълим-тарбия соҳасидаги меъросларидан ҳам фойдаланиш давр талабидир. Мамлакатимиз таълим тизимида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳатлар бугун жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Айниқса, техник олий таълим муассасаларида касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйилган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этишга қодир мутахассисларни тайёрлаш муҳим омил саналади. Шундай экан, талабаларда дастлабки касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнида амалга ошадиган ўқув амалиётини тўғри ташкил этмасдан туриб таълим сифатини таъминлаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлашни амалга ошириш мумкин эмас, чунки таълим сифати тайёрланаётган мутахассиснинг қай даражада қабул қилувчилар талабига жавоб бериши билан белгиланади.

Таълим-тарбия жараёнида интерфаол методлар, инновацион, педагогик, психологик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда. Бу эса талабаларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларини ҳам ўзлари келтириб чиқишларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади. Шу билан бир қаторда бошқарувчанлик, йўналтирувчанлик функциясини бажаради. Шунинг учун олий таълим муассасаларида касб эгаларини тайёрлашда замонавий интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли каттадир [1].

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Бундай методлар - жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, у педагогик таъсир этиш усули бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Актив методни қўллаш талабаларни дарс жараёнидаги фаоллигини оширишга хизмат қилса, пассив метод талабаларни бир томонлама тушунча берилиши билан изоҳланади [2].

Интерфаол методда биргаликда фаол ҳаракат қилиш (ўқитувчи билан талаба, талаба билан талаба) тушунилади.

Инновацион технологиялар асосида мантиқий фикрлаш узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Улар таълим жараёнида маълум ўзгаришларга, таълим мазмуни, сифати бойишига ва самарали ташкил етилишига сабаб бўладиган турли ташаббус ва янгиликларнинг яхлит тизимида намоён бўлади. Илм, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, янги

техника ва технологияларнинг жамиятнинг барча қатламларига кириб бориши, ахборот технологияси воситаларининг барча давлат ва нодавлат муассасаларида қўлланилиши ўқитувчилардан узлуксиз билим олишни талаб қилмоқда. Ўқитувчиларнинг фаолияти кўп қиррали бўлиб, улар бошқарувчи, мулоқот қилувчи, йўналтирувчи, ташкил этувчи ва баҳоловчи ролларини амалга оширишлари керак бўлади.

Инновация қуйидагиларда:

- дарс шаклига инновация кириб келишини стандарт, ностандарт ҳамда вертуал дарс шакллари мисолида кўришимиз мумкин.

- ўқитиш турларидаги инновацияни муаммоли таълим, эвристик таълим, даражаланган таълим, интеграцияланган таълим, интерфаол таълим, информал таълим, расмий таълим, норасмий таълим турлари билан изоҳланади.

- ўқитиш воситаларига инновациянинг кириб келишини дарс жараёнида мультимедиа, электрон доскалар ва бошқа воситалар билан изоҳланади.

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олса таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этади. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг ривожини таъминлайди. Таълимнинг яна асосий мақсади ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш яъни турли хил ҳаётий шароитларда ўз билим, малака ва кўникмаларини амалда қўллай олиш даражасига етказишдир. Таълим жараёнида фақат илмий билимлар билан қуролланмай, балки ана шу билимларни амалиётда қўллай олишларини таъминланиши ҳам керакдир. Ушбу, тамойил таълимнинг илмийлиги ҳақида тамойил билан боғлиқдир.

Таълимнинг илмийлиги билимларни назарий жиҳатдан ўрганишга, мантиқий боғлиқликларни тушунишга, фикрлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилади, амалий ҳаракатлар эса шу билимларни амалда қўллаб кўриш ҳамда кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради. Таълим тизимида назария билан амалиётнинг бирлиги ўқув жараёнининг мазмун ва ўзига хос хусусиятларини намоён қилади, бу эса ўз навбатида илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва амалда қўллай олиш, ўқув материалларини идрок қилиш, англаш, шунингдек, уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий операциялар билан боғлиқ ҳолда бир бутун жараёни ташкил қилади[4].

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиш, амалиётда таълим муассасаларини инновацион жараёнларга қўшилишини тақозо этмоқда, ўзини яратиш имкони мавжуд инновацион майдонда кўриш ва энг муҳими аниқ янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, хусусий тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик, кичик ва ўрта инновацион бизнеснинг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш инновацион фаолиятни кенг ривожлантиришнинг муҳим шартларидир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар томонлама ривожланган инновацион тизимга эга мамлакатлардагина инновация жараёнлари самарали амалга оширилиб,

технологиялар ва бошқа илмталаб маҳсулотлар тижоратлаштирилмоқда. Бу жараёнда давлатнинг иштироки, иқтисодийнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, илм-фан давлатнинг техник тараққиёти ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган ушбу интеграция механизмининг асосини ташкил қилади.

Таълим жараёнида аниқ фанлар бошқа табиий фанлардан ўзлаштирилган назарий билим, кўникма ва малакалар меҳнат жараёнида қўлланилади.

Бу ўз навбатида келгусида мураккаб илмий назарияларни амалда қўллай олиш учун зарур бўлган тажрибадир. Таълим жараёнида ўқув материални моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда тўғри, чуқур тушуниб олиш ва келажакда амалий фаолият учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам билимларни мумкин қадар амалиёт билан боғлаш таълим жараёнини тамойили сифатида қабул қилинади. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақилликка эришиш, олинган билимларни амалда самарали қўллашдан иборатдир. Онглилик янги материални идрок қилишда таърифлар, теоремалар, адабиятдан шеър ёдлаш ва ҳоказоларнинг ифодаланишинигина эмас, балки уларнинг ҳаётий ходисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлганлигини тушунтиришдан иборатдир, яъни билимларда юзакичилик авж олади, материал автоматик тарзда ёдлаб олинган бўлади. Бундай билимлар тез унитилади. Бундан ташқари билимларни онгли равишда ўзлаштириш билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни, эмоционал кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади.

Маълумки, таълим икки томонлилик хусусиятга эгадир. Таълим жараёнида мутахассис йўналтирувчи бўлиб майдонга чиқади ва ўрганиш жараёнини ўз ичига олади. Ўрганиш жараёни мураккаб психик жараён бўлиб маълум фаолликни талаб этади. Мутахассис қанчалик таълим жараёнини сермазмун, қизиқарли ва маҳорат билан ташкил этмасин қарама - қарши томондан маълум фаоллик билдирилмаса, ўқув жараёнида самарага эришиш мумкин бўлмайди, яъни ўқув жараёнида маълум фаолликни уйғотиш зарурдир. Бу фаоллик билиш жараёнига таъсир этади, идрок қилиш, таҳлил қилиш, анализ ва синтез каби психик жараёнларни ишга туширади. Фаоллик ҳолатини вужудга келишда мотивациялар ҳам аҳамиятлидир.

Мустақил тафаккур турли усуллар билан ҳосил қилинади. Тафаккурни шакллантириш усулларидан бири мустақил ҳал қилиш, муаммоли вазифалар қўйишдир. Аммо онглилик ва фаолликки мустақил тафаккурни вужудга келишига сабаб бўлади. Бугунги кунда таълим олдига қўйилаётган энг катта талаблардан бири ҳам мустақил фикрлаш, муаммолар ечимини мустақил топиш каби хусусиятларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Умуман олганда, онглилик, фаоллик ва мустақиллик ўзаро бир- бирини тўлдириб турувчи психик ҳолатлардандир.

Ўқитиш жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, маъсулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан самарали фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогика ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Бундай натижага эришиш ўқув жараёнида инновацион ва илғор технологияларни қўллашни тақозо этади ва бунинг натижасида таълимнинг ривожланиши ва сифатининг юксак

самарадорликка эришишига ёрдам беради.

Иқтибослар/ Сноски/References:


1. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши, 2000. - 22 бет. (Ochilov M. New pedagogical technologies. - Karshi, 2000. 22 pages.)
2. Голиш Л.В. Замодавий педагогик технологиялар, М.1999. - 56 бет. (Golish L.V. Modern pedagogical technologies, M.1999. 56 pages.)
3. Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар. - Тошкент: "Фан", - 2010. - 56 бет. (Ishmuhammedov R. Innovative technologies in education. - Tashkent: "Fan", - 2010. 89 pages.)
4. Толипов Ў, Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005, 206 - бет.(Tolipov O', Usmonboeva M. Pedagogical technology: theory and practice. - T.: Science, 2005, 206 pages.)

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Исхакова Мавлюда Рахмановна,
старший преподаватель кафедры "Педагогика и психология"
Ташкентского Института переподготовки и повышения
квалификации руководителей и специалистов
дошкольных образовательных учреждений.
e-mail: mavlyuda_ir@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ВОСПИТАТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ НА ОСНОВЕ АНДРАГОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА

For citation: M.R.Iskhakova. Improvement of the process of increasing the qualification of teachers of preschool educational organizations based on andragogical approach. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 21-26

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-4>

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается андрагогический подход повышения квалификации воспитателей дошкольных образовательных организаций, который предполагает активную позицию и высокую мотивацию обучающихся, совместную деятельность всех участников процесса повышения квалификации и применение эффективных технологий обучения взрослых.

Ключевые слова: андрагогика, андрагогический подход, повышение квалификации, дошкольная образовательная организация, педагог-воспитатель

Исхакова Мавлюда Рахмановна,
Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва
мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
Тошкент институти "Педагогика ва психология"
кафедраси катта ўқитувчиси
e-mail: mavlyuda_ir@mail.ru

АНДРАГОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ

Мақолада мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг малакасини оширишда андрагогик ёндашув, ва бу жараёнда тингловчиларнинг фаол позицияси ва юқори иштиёқи, малака ошириш жараёнида барча иштирокчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда катталар таълимидаги самарали технологияларнинг фойдаланиш ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: андрагогика, андрагогик ёндашув, малака ошириш, мактабгача таълим ташкилоти, педагог-тарбиячи

Iskhakova Mavlyuda Rakhmanovna

Senior Lecturer, Department of Pedagogy and Psychology,
Tashkent Institute of Retraining and Further Training
of Heads and Specialists of Preschool Educational Institutions
e-mail: mavlyuda_ir@mail.ru

IMPROVEMENT OF THE PROCESS OF INCREASING THE QUALIFICATION OF TEACHERS OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS BASED ON ANDRAGOGICAL APPROACH

ANNOTATION

The article discusses the andragogical approach to advanced training of teachers of preschool educational organizations, which involves an active position and high motivation of participants, the joint activities of all participants in the continuing education process and the use of effective adult training technologies.

Keywords: andragogy, andragogical approach, advanced training, preschool educational organization, teacher

Согласно постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 ноября 2017 года № 929 "Об утверждении Положения о Министерстве дошкольного образования Республики Узбекистан и Устава института переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений" одной из основных задач института является "осуществление переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов системы дошкольного образования, повышение духовно-нравственного уровня, подготовка научно-педагогических кадров, методическое обеспечение системы дошкольного образования, внедрение передовых педагогических технологий" на основе андрагогического подхода. [1].

Для выполнения данной задачи профессорско-преподавательскому составу, работающему в системе повышения квалификации дошкольного образования, необходимо пересмотреть традиционные подходы к образованию взрослых, в частности систему повышения квалификации воспитателей в частности. По мнению М. Т. Громковой, традиционная педагогика оказалась не в состоянии предложить эффективные технологии обучения взрослых с адекватным учетом специфики образования именно этой категории обучающихся.

Система повышения квалификации как самостоятельная отрасль

профессиональной образовательной деятельности, охватывающая работу с педагогическими и руководящими работниками, обладающими сложившимся педагогическим и управленческим опытом, должна создавать благоприятные предпосылки для широкого внедрения в практику образования современных достижений в области андрагогики. [2, С.20].

Андрагогика - наука, предметом, которой является многоаспектное непрерывное образование, осуществляемое в институтах формального, неформального и в форме информального образования в соответствии с социокультурными условиями и особенностями взрослых. [3].

Впервые понятие "андрагогика" применил в 1833 г. немецкий историк просвещения К. Капп [4, с. 17].

В данной статье рассматривается андрагогический подход в условиях системы повышения квалификации педагогов-воспитателей дошкольных образовательных организаций.

В педагогической науке андрагогический подход определяется как система, включающая себя общие цели и содержание образования, проектирование учебных планов и программ, частные цели руководства деятельностью обучаемых, модели группирования участников, методы контроля и отчетность, способы оценки процесса обучения [5, с. 94].

Главными обязательными участниками модели обучения являются обучающийся (воспринимающий, перерабатывающий, усваивающий, реализующий определенную информацию и т. д.) и обучающий (передающий в различных видах данную информацию). С учетом возрастных особенностей обучающихся и обучающих различают две модели взаимодействия участников - педагогическую, ориентированную на обучение детей, и андрагогическую, которая направлена на обучение взрослых.

Институт переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений (ИППКРСДОУ) реализует андрагогический подход в системе повышения квалификации воспитателей дошкольных образовательных организаций (ДОО). Данный подход позволяет реализовать главный принцип образования взрослых - "Образование через всю жизнь" и ориентирует на использование технологий, которые обеспечивают субъектность, способность к саморазвитию и психологическую взрослость обучающихся.

Рассмотрим более подробно особенности андрагогического подхода обучения взрослых, организацию процесса обучения в системе повышения квалификации взрослых обучающихся. Андрагогический подход основывается на исходных положениях, вытекающих из психофизиологических и социально-профессиональных особенностей взрослых как обучающихся, целях и условиях их обучения [5, С.125]:

- взрослому обучающемуся принадлежит ведущая роль в процессе своего обучения;
- взрослый обучающийся стремится к самореализации, самостоятельности, самоуправлению и осознает себя таковым;
- взрослый обучающийся обладает жизненным (бытовым, социальным, профессиональным) опытом, который может быть использован в качестве важного источника обучения как его самого, так и его коллег;
- взрослый человек обучается для решения важной жизненной проблемы и

достижения конкретной цели;

- взрослый обучающийся рассчитывает на безотлагательное применение полученных в ходе обучения знаний, умений и опыта.

Учебная деятельность взрослого обучающегося в значительной степени определяется временными, пространственными, бытовыми, профессиональными, социальными факторами, которые либо ограничивают, либо способствуют процессу обучения.

Процесс повышения квалификации организован в виде совместной деятельности взрослого обучающегося (преподавателя) и обучающегося (воспитателя ДОО) на всех его этапах: диагностики, планирования, реализации, оценивания, коррекции.

Исходя из особенностей обучающихся (взрослых и невзрослых), М. Ш. Ноулз, основоположник андрагогики, сравнивал педагогическую и андрагогическую модели обучения. Для построения моделей он использовал характеристики обучающегося, особенности организации непосредственного обучения, виды деятельности обучающихся и обучающихся. Ключевыми идеями андрагогического подхода являются: ведущая роль взрослого обучающегося; совместная деятельность взрослых - обучающегося и обучающего; неформальный психологический климат обучения, основанный на взаимном уважении, ответственности и совместной работе в подготовке и реализации учебного процесса. Автор описывает виды взаимодействий обучающего (преподавателя) и обучающихся в процессе обучения взрослых [5, С.18]. Модель инновационная для своего времени, но она не полностью выстроена и может быть реализована на практике как составляющая часть модели, в которой описываются взаимоотношения и виды взаимодействий обучающего обучающихся.

Андрагогическую модель, основанную на особенностях взрослого обучающегося, так же как и М. Ш. Ноулз, предложила группа исследователей из Ноттингемского университета. Они продолжили теорию П. Фрейре, следовательно, главной целью обучения взрослых является развитие критического, творческого мышления, интегрированного с чувственной сферой человека. В данном андрагогическом подходе изложены теоретические основы к обучению взрослых, где человек рассматривается во взаимодействии с социально-историческим окружением. Ученые обосновали, что основным видом обучения взрослых является групповая форма. По мнению авторов, очень интересен подход этих ученых к выбору методов обучения: экспозиционные (содержание обучения организуется и представляется (экспонируется) обучающемуся посторонним источником (преподавателем, электронным носителем, учебником, презентационным материалом, вебинаром и т. п.); управленческие (ведущие дискуссий, руководители игр, авторы учебных программ организуют и направляют процесс таким образом, чтобы обучающиеся достигли заранее определенных целей); поисковые (главная цель - вовлечение обучающегося в мыслительную деятельность, чтобы восприятие содержания повышения квалификации происходило в процессе "мышление - изучение проблемы - решение проблемы"). В таком виде классификация методов является более подходящей для организации занятий со взрослыми. Ноттингемская группа ученых подробно выделила характерные черты андрагогического обучения взрослых, среди которых, например, связь с практикой, проверка с ее помощью полученных результатов обучения; постоянное обсуждение содержания, форм методов обучения в учебной группе. [6, с. 36].

Анализируя особенности построения учебного процесса со взрослыми, О. В.

Агапова, С. Г. Вершловский конкретизируют, что в андрагогической модели обучения содержится система правил работы со специфической группой обучающихся и обучающихся - группой взрослых людей [7, С.52].

Содержание повышения квалификации воспитателей ДОО реализуется в различных организационных формах: курсах повышения квалификации, семинарах, курсах по выбору.

В институте переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольной образовательной организации реализуется программа тренинга для профессорско-преподавательского состава института "Подготовка образовательных программ и проведение занятий на основе андрагогического подхода". В его содержании - освоение теоретических и методологических основ образования взрослых; содействие в овладении технологиями образования, адекватными социальным, психологическим, возрастным особенностям взрослых; развитие способности к профессиональной (андрагогической) самооценке. Программа включает разделы:

- основные понятия и категории андрагогики;
- теория и практика взаимодействия в образовании взрослых;
- современные технологии обеспечения эффективности повышения квалификации педагогических и руководящих работников системы дошкольного образования;
- особенности структурирования содержания в образовании взрослых; составление учебных программ и проведение занятий на основе андрагогических принципов.

Результатом обучения по программе тренинга предполагается умение формировать мотивацию педагогов к повышению профессиональной квалификации; умение проектировать и проводить курсы, занятия, семинары для взрослых, обучающихся с использованием интерактивных методов обучения или других технологий обучения взрослых; умение осуществлять актуальную визуализацию содержания и этапов совместной деятельности со слушателями на занятиях; навыки коммуникации (толерантность к другим точкам зрения, диалогичность и т. п.); владение техниками получения обратной связи; умение публичного выступления, презентации и защиты своих проектов, опыта работы.

В структуре программы выделяются следующие основные модули: андрагогика в системе повышения квалификации работников системы дошкольного образования; современные технологии обучения взрослых; андрагогические подходы в составлении учебных программ по модулям. В завершении тренинга участники моделируют процесс занятий по модулям, разработанные на андрагогическом подходе.

Таким образом, реализация андрагогического подхода в системе повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольного образования дает возможность воспитателям ДОО реализовать свои возможности, быть активными, творческими в решении важных задач современного дошкольного образования в Республике Узбекистан.

Итак, выделим особенности андрагогического подхода в системе повышения квалификации воспитателей дошкольных образовательных организаций. В ней определяется деятельность как обучающего, так и обучающегося по организации процесса повышения квалификации.

Главными характеристиками деятельности взрослых являются: ведущая роль

самого обучающегося, с одной стороны, совместная деятельность обучающего и обучающегося в подготовке и реализации процесса повышения квалификации - с другой. При этом очень важно создать атмосферу обучения, основанную на взаимном уважении, поддержке и ответственности всех участников. Содержание программы повышения квалификации направлено на развитие определенных аспектов компетенции обучающихся и ориентируется на решение их конкретных задач по междисциплинарным модулям (блокам).

Кроме того, при реализации андрагогического подхода в системе повышения квалификации педагогов - воспитателей дошкольных образовательных организаций к обучающему предъявляются определенные требования - для осуществления своей деятельности нужна дополнительная подготовка в теоретических вопросах андрагогики и владение технологией обучения взрослых.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "Об утверждении положения о Министерстве дошкольного образования Республики Узбекистан и Устава института переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений" № 929 от 21 ноября 2017 г. (НБДЗ, 24.11.2017 г., № 09/17/929/0314) (1. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On approval of the regulations on the Ministry of Preschool Education of the Republic of Uzbekistan and the Charter of the Institute for Retraining and Further Training of Heads and Specialists of Preschool Educational Institutions")

1. Громкова М. Т. Актуальность проблем образования взрослых в России // Новые знания. 2004. № 3. С. 18-20. (Gromkova MT The relevance of adult education in Russia)

2. Ключевые определения и понятия. Материал тренинга "Подход к образованию взрослых (Ташкент, 19-22.08.2013г.) Программа "Curriculum globALE" (Global curriculum for Adult learning & Education) (Key definitions and concepts. Training material "Approach to Adult Education.).

3. Педагогический энциклопедический словарь / гл. ред. Б. М. Бим-Бад; редкол.: М. М. Безруких, В. А. Болотов, Л. С. Глебова и др. М.: Большая российская энциклопедия, 2003. 528 с. (4. Pedagogical Encyclopedic Dictionary / Ch. ed. B. M. Bim-Bad; editorial: M. M. Bezrukikh, V. A. Bolotov, L. S. Glebova, and others.)

4. Коджаспиров А. Ю., Коджаспирова Г. М. Педагогический словарь: для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений. М.: Издательский центр "Академия", 2000. 176 с. (5. Kojaspirov A. Yu., Kojaspirova G. M. Pedagogical Dictionary: for the students. higher and wednesday ped textbook. institutions).

5. Towards a Developmental Theory of Andragogy. Nottingham, 1981. 187 p.

6. Агапова О. В., Вершловский С. Г., Ермолаева М. Г. и др. Уроки для взрослых: пособие для тех, кто работает в системе образования взрослых. СПб.: Тускарора, 2007. 80 с. (Agapova O. V., Vershlovsky S. G., Ermolaeva M. G. et al. Lessons for adults: a manual for those who work in the adult education system.).


**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Тоштемиров Дониёр Эшбаевич
Гулистон давлат университети доценти,
педагогика фанлари номзоди
E-mail: toshtemirov73@mail.ru

Ниёзов Муҳаммад Бахронович,
Гулистон давлат университети ўқитувчиси
E-mail: niyozov_info@bk.ru

**ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
КУРСИДА БАЖАРИЛАДИГАН ТОПШИРИҚЛАР
МАЗМУНИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

***For citation:** D.E. Toshtemirov, M.B. Niyozov. Improving the content of assignments in the course of informatics and information technology on the basis of innovative technologies. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 27-35*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш учун инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари баён этилган. Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишда инновацион технологияларнинг ўрни очиб берилган. Шунингдек, Информатика ва ахборот технологиялари курси амалий машғулотларида бажариладиган топшириқлар мазмунини такомиллаштириш, дарс давомида турли хилдаги топшириқлар, шунингдек, машқ ва масалалардан фойдаланиш бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Таянч сўзлар: ўқув жараёни, инновацион технология, топшириқ, тарқатма материал, масала, тизимлаштириш.

Тоштемиров Дониёр Эшбаевич,
кандидат педагогических наук, доцент
Гулистанского государственного университета,
E-mail: toshtemirov73@mail.ru

Ниёзов Мухаммад Бахронович,
преподаватель Гулистанского
государственного университета
E-mail: niyozov_info@bk.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ЗАДАНИЙ В КУРСЕ ИНФОРМАТИКИ И ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье описано использование инновационных технологий для организации учебного процесса в образовательных учреждениях. Раскрыта роль инновационных технологий в обучении информатике и информационным технологиям. Также описаны результаты исследований по совершенствованию содержания заданий в практических занятиях по курсу информатики и информационных технологий, использованию различных заданий во время урока, а также упражнения и задачи.

Ключевые слова: учебный процесс, инновационные технологии, задание, раздаточный материал, выпуск, систематизация.

Toshtemirov Doniyor Eshbaevich,
Associate Professor of Gulistan State University,
candidate of pedagogical sciences
E-mail: toshtemirov73@mail.ru
Niyozov Muhammad Bakhronovich,
Teacher of Gulistan State University
E-mail: niyozov_info@bk.ru

IMPROVING THE CONTENT OF ASSIGNMENTS IN THE COURSE OF INFORMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGY ON THE BASIS OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES

ANNOTATION

The article describes the use of innovative technologies for the organization of the educational process in educational institutions. The role of innovative technologies in teaching computer science and information technology is revealed. Also, the results of research on improving the content of assignments in the practical training of the course of Informatics and Information Technology, the use of various assignments during the lesson, as well as exercises and problems are described.

Key words: learning process, innovative technology, assignment, handout material, issue, systematization.

Ўқув жараёнини ташкил этишда инновацион, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишга бўлган эътибор, қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Инновацион технологиялар қўлланилган машғулотлар таълим олувчиларда эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, шунингдек, хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришлари учун имконият яратади. Бундай жараёнда ўқитувчи шахс ва жамоанинг

ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради.

Информатика ўқитиш методикаси курсида бўлажак ўқитувчиларга узлуксиз таълим тизимида Информатика фанини Нега ўқитамиз? Нимани ўқитамиз? Қандай ўқитамиз? Қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин? деган саволларга жавоб берилади. Бу саволларга тўлиқ жавоб бериш учун ўқув жараёнини технологиялаштириш, яъни ўқув жараёнини кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга эришиш керак.[1, 10-б],[2, 11-б]

Ўқув жараёнида инновацион технологияларни қўллаш натижасида ўтказилган ўқув машғулоти ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотларни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Инновацион технологияларга асосланган ўқув жараёнда ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятига янгиликлар, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. Интерфаол ("Интер" - бу ўзаро, "аст" - ҳаракат қилмоқ) - ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. [5, 217-б]

Бизнинг фикримизча педагогик технологиянинг энг асосий негизини - ўқитувчи ва таълим олувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технология ёки усуллар белгилайди. Ўқув жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришиш учун қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси мазмуни ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасида ҳамкорликда ишлашини таъминлашиши керак.

Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир. Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва таълим олувчининг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танланган мазмун, услуб, шакл, яъни технологияга боғлиқ. [3, 6-б],[4, 16-б]

Таълим муассасаларида ўқитиладиган Информатика ва ахборот технологиялари ўқув предмети таълим олувчиларнинг ахборотларни қайта ишлаш жараёнида мантиқий ва абстракт фикрлаш қобилиятларини шакллантириш, компьютердан ўқитишнинг техник воситаси сифатида фойдаланиш, компьютернинг замонавий дастурий таъминоти билан таништириш, компьютердан турли соҳаларда фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, компьютердан ўрганилаётган жараёнда ҳисоблаш, тасвирлаш, таҳрирлаш ишларини бажаришда восита сифатида қўллаш малакасини эгаллаш каби мақсадлар учун хизмат қилади.

Информатика ва ахборот технологиялари ўқув предметини ўқитишни сифатли ташкил этиш учун ҳар бир мавзуга мўлжалланган бир нечта топшириқлар ва ўқув материални тўлиқ ўзлаштиришга қаратилган топшириқлар тизими яратилиш мақсадга мувофиқдир.

Топшириқлар тизимидаги машқ ва масалалар фақат мазмун жиҳатдан эмас,

балки жойлашиш кетма-кетлиги жиҳатидан ҳам мукамал тузилган бўлиши лозим. Топшириқларнинг тўғри кетма-кетликда бажарилиши улар мазмунининг таълим олувчилар онгида яхши ўрнашиб қолишига сабаб бўлади. Ҳар бир топшириқ ўрганилаётган мавзу мазмунини ойдинлаштириш билан биргаликда таълим олувчини янги билим ва кўникмалар билан таништиради. Шунингдек, фан бўйича олган назарий билимларини мустақкамлайди ва ҳаётий воқеалар билан боғлаб тушунишга олиб келади. [6, 18-б]

Дарс жараёнида бериладиган топшириқлар таълим олувчиларда мустақиллик, тадбиркорлик, фаоллик, фикрлаш каби фаолиятларини шакллантиришга қаратилган дидактик восита сифатида хизмат қилишига мўлжалланиши педагогик адабиётларда келтириб ўтилган [1, 22-б],[3, 46-б]. Ҳақиқатдан ҳам топшириқларни бажариш натижасида таълим олувчиларнинг фикрлаш фаолияти ривожланиши тажрибаларда кузатилган.

Ўқув материални ўзлаштиришда шакллантирилган ақлий фаолият тафаккурнинг доимий ривожланишига қаратилади. Шунинг учун топшириқлар таълим олувчиларнинг тушунчаларни ўзлаштириш ва қўллаш жараёнини, айниқса, уларни бошланғич шакллантириш жараёнини енгиллаштиришда муҳим шарт бўлиб ҳисобланади. Таълимнинг асосий вазифаси таълим олувчиларда билимлар ҳосил қилиш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда улар тафаккурини такомиллаштиришдан иборат экан, таълим олувчиларга ўқиш, ёзиш, гапириш, тинглаш, фикрлаш кўникмаларини бирдек ривожлантириб бориш лозим. Бу мақсадни амалга ошириш учун дарс жараёнида турли мазмундаги топшириқларни бажариш муҳим аҳамият касб этади. [6, 18-б]

Информатика ва ахборот технологиялари курси ўқув машғулотларида фойдаланиладиган топшириқлар мазмунини шакллантиришда қуйидагиларга эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:[2, 41-б]

- мавзу бўйича асосий тушунчалар мазмунини очишга қаратилган топшириқлар;
- тасвирлаш, ёзма нутқ ва ёзиш малакаларини шакллантиришга доир топшириқлар;
- ҳисоблашга доир топшириқлар;
- алгоритм ва дастур тузишга доир топшириқлар;
- компьютер дастури қўлланиладиган жараённинг тузилишини ўрганишга доир топшириқлар;
- компьютер дастурларини турли жараёнларга қўллаш малакаларини эгаллашга доир топшириқлар;
- компьютерга хизмат кўрсатиш малакаларини эгаллашга доир топшириқлар ва бошқалар.

Умумий ўрта таълим мактабларида Информатика ўқув предметини ўқитишда турли хил назорат материалларидан фойдаланилади. Информатика фанидан назорат топшириқларини яратиш бўйича намуналар келтирамиз:

1-топшириқ. Саватчада бирдан саккизгача тартиб рақамлари ёзилган 8 та кубча бор. Шу саватчадан битта кубча олинганлиги ҳақидаги хабар ўзида қанча ахборот сақлайди?

Ечиш: Маълумки, агар хабар мавжуд аниқмасликни икки марта камайтирса, у ҳолда бу хабар ўзида 1 бит ахборот сақлайди. Демак, саватчадан битта кубча олинганлиги ҳақидаги хабар ўз таркибида 3 бит ахборот сақлайди. Жавоб: 3 бит.

2-топшириқ. Таълим муасасасида жойлашган компьютер тармоғи орқали 1 Мбайт ахборотни 32 минутда қабул қилиб олган. Ушбу ахборотнинг олинмиши

тезлигини аниқланг?

Ечиш: Маълум бир вақт бирлиги орасида жўнатилган ахборот миқдори маълумотларни узатиш тезлигини ифодалайди. 1 Мбайт = 1024x1024 байт, бу қиймат 32 га бўлинса, 32768 байт/мин га тенг қиймат ҳосил бўлади, бу эса биз излаётган ахборот тезлигидир. Жавоб: 32768 байт/мин.

3-топшириқ. Мактабдаги аълочи ўқувчиларнинг ҳар бири 1 дан N гача бўлган ўз тартиб рақамига эга. Шу сонлардан истаган биттасини аниқлаш учун кўпи билан 6 бит ахборот зарур. N нинг қийматини топинг.

Ечиш: Бу машқ 1-машққа тескари мазмунда берилган, 2 нинг 6-даражаси биз излаётган сон, яъни 64 га тенг. Жавоб: N = 64

4-топшириқ. Мактабдаги компьютердан 2 байт/с тезликда хабар жўнатилмоқда. Агар шу компьютернинг шартли алифбоси 64 та белгидан ташкил топса, ўн минутда қанча белгили ахборот юборилган?

Ечиш: Кўриниб турибдики, мазкур компьютернинг шу шартли алифбода берилган ҳар бир белгиси ўз ичида 6 бит ҳажмдаги ахборот сақлайди. Масала шarti бўйича, 10 минутда $10 \times 2 \times 8 \times 60 = 9600$ бит ахборот жўнатилган. Демак, 10 минутда $9600/6 = 1600$ та белги жўнатилган. Жавоб: 1600 та.

5-топшириқ. Акмал ўз дўстига 360 белгидан иборат хат жўнатди, бунда 32 белгили махсус алифбодан фойдаланди. Акмалнинг жўнатган матнидаги ахборот ҳажмини аниқанг?

Ечиш: Кўриниб турибдики Акмал фойдаланган алифбонинг ҳар бир белгиси ўз ичида 5 бит ҳажмдаги маълумот сақлайди. $(360 \times 5)/8 = 225$. Жавоб: 225 байт.

Топшириқларни ишлаб чиқишда турли хилдаги тарқатма материаллардан фойдаланиш ҳам юқори самара беради. Бундай топшириқлардан намуна сифатида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

6-топшириқ. Ахборотларни ҳимоялаш ва антивирус дастурларидан фойдаланиш мавзуси бўйича қуйидаги жадвал қаторларида берилган жумлаларнинг мосини топинг:

1	Интернет ахборот “ўғирларини”	а	енгиллаштириш мақсадида яратилди
2	Компютерлар инсон иш фаолиятини	б	янги поғонага кўтарди
3	Компютер вируслари уларни ўчириб юбориши ёки	в	янги кутилмаган муаммога дуч келиб қолди
4	Адлия, криминалистика, миллий хавфсизлик соҳа мутахассислари	г	тармоқ орқали киришни чекловчи ва назорат килувчи техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш, интернет орқали фақат ишончли манбалардан ахборот олиш, ахборотларни узати ва қабул қилишда криптография усулларидан фойдаланиш, назоратчи ва даволовчи дастурлардан фойдаланиш
5	Ахборот хавфсизлиги ва “электрон жиноятчи”лардан ҳимояланишни таъминловчи чора-тадбирлар	д	Фойдаланиб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборишга қодир

Жавоб: 1-б; 2-а; 3-д; 4-в; 5-г.

7-топшириқ. EXCEL дастурида ишлаш мавзуси бўйича назорат топшириғи: Ўқувчиларга тўлдириш учун қуйидаги жадвал тарқатилади. Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда "+" акс ҳолда учинчи устунда "-" белгисини қўйиш кераклиги айтилади. [1, 93-б]

Ҳа	Фикрлар	Йўқ
	Асосий берилганлар бошқа ячейкаларнинг қийматлари бўйича аниқланмайди	
	EXCEL қуйдаги буйруқ билан ишга туширилади: Пуск-Настройка-EXCEL	
	EXCEL ҳужжати ишчи китоб деб аталади	
	Устунлар лотин ҳарфлар билан белгиланади	
	Устунлар сони 26 та	
	Ячейка номи ячейка жойлашган устун ва сатр номерларидан иборат	
	Ном майдонида сатр номери кўрсатилади	
	Формула сатрида фаол ячейкадаги маълумотлар акс эттирилади	
	Диапазон – бу ячейкалар гуруҳи	
	Ячейкада матин, формула, сон бўлиши мумкин	
	Формула «С» белгиси билан бошланади	
	Тўлдириш маркери ячейкадаги маълумотларни нусхалайди	

Бу топшириқни тўғри тўлдириш намунаси қуйидаги жадвалда келтирилган:

Ҳа	Фикрлар	Йўқ
+	Асосий берилганлар бошқа ячейкаларнинг қийматлари бўйича аниқланмайди	
	EXCEL қуйдаги буйруқ билан ишга туширилади: Пуск-Настройка-EXCEL	-
+	EXCEL ҳужжати ишчи китоб деб аталади	
+	Устунлар лотин ҳарфлар билан белгиланади	
	Устунлар сони 26 та	-
+	Ячейка номи ячейка жойлашган устун ва сатр номерларидан иборат	
	Ном майдонида сатр номери кўрсатилади	-
+	Формула сатрида фаол ячейкадаги маълумотлар акс эттирилади	
+	Диапазон – бу ячейкалар гуруҳи	
+	Ячейкада матин, формула, сон бўлиши мумкин	
	Формула «С» белгиси билан бошланади	-
+	Тўлдириш маркери ячейкадаги маълумотларни нусхалайди	

8-топшириқ. Компьютернинг пайдо бўлиши ва авлодлари мавзусини мустақамлаш учун қуйидаги жадвални маълумотлар билан тўлдириңг:

Асосий ғоялар	Йил	Ихтирочи олимларнинг Ф.И.Ш.
	1642 й.	
	1673 й.	
		Ч.Бэббидж
		Ада Лавлейс
		Жон фон Нейман
Компьютернинг биринчи авлоди		
Компьютернинг иккинчи авлоди		
Компьютернинг учинчи авлоди		
Компьютернинг тўртинчи авлоди		
		У.Шокли, Ж.Бардин, У.Бреттейн
	1981 й.	
		Питер Нортон
Windows график интерфейсли операцион тизим		
		В.Қобулов
Dorrix миллий операцион тизим		

Бу топшириқни тўғри тўлдириш намунаси қуйидаги жадвалда келтирилган:

Асосий ғоялар	Йил	Ихтирочи олимларнинг Ф.И.Ш.
<i>Биринчи механик машина яратилган.</i>	1642 й.	<i>Блез Паскаль</i>
<i>Тўртала (қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш) арифметик амалларни бажарувчи ҳисоблаш машинаси кашф этилди.</i>	1673 й.	<i>Г.В.Лейбниц</i>
<i>Буг ёрдамида ишловчи ҳисоблаш машинаси ихтиро қилинди.</i>	1882 й.	Ч.Бэббидж
<i>Бэббидж машиналари учун биринчи дастурлар ишлаб чиқилди.</i>	1884 й.	Ада Лавлейс
<i>Компьютернинг архитектураси ва тузилишини асослаб берган.</i>	1945 й.	Жон фон Нейман
Компьютернинг биринчи авлоди	1946-1955 й.	<i>Д.П.Эккерт, Д.У.Моучли</i>
Компьютернинг иккинчи авлоди	1956-1965 й.	<i>С.А.Лебедев, У.Шокли, Ж.Бардин, У.Бреттейн</i>
Компьютернинг учинчи авлоди	1966-1974 й.	<i>В.М.Глушков, С.А.Лебедев, В.А.Мельникова, Э.Фейгенбаум, Х.Джиббс, С.Мак-Колл, Т.Венкатесан</i>
Компьютернинг тўртинчи авлоди	1975 – ҳ.в.	<i>С.Джобс, В.Возняк</i>

<i>Ярим ўтказгичли моддалар асосида транзисторлар яратилди.</i>	1947 й	У.Шокли, Ж.Бардин, У.Бреттейн
<i>MS DOS операцион тизимининг яратилиши</i>	1981 й.	Билл Гейц
<i>Нортон Коммандер файл менежджер дастурининг яратилиши</i>	1983 й.	Питер Нортон
<i>Windows график интерфейсли операцион тизим</i>	1995 й.	Билл Гейтц
<i>Ўзбекистонга бирини компьютернинг келтирилиши.</i>	1954 й.	В.Қобулов
<i>Dorrix миллий операцион тизим</i>	2008 й.	Ўзбекистон ёш дастурчилар маркази.

Информатика ва ахборот технологиялари фанидан тавсия этиладиган топшириқлар асосан юқорида келтириб ўтилгани каби амалий мазмундаги машқ ва масалалардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Машқ ва масалалар дидактик маънода ўрганилган билимларни турли ўқув ҳолатларига татбиқ этиш йўлидир. Ўқув материални мустақкам ўзлаштириш учун ҳар бир мавзуга мўлжалланган машқ ва масалалар тизимини яратиш керак. Шунингдек, тавсия этиладиган машқ ва масалалар фақат мазмун жиҳатдан эмас, балки содда ва мураккаблиги, бажариш кетма-кетлиги жиҳатидан ҳам мукамал тузилган бўлиши лозим. [6, 19-б]

Машқ ва масалалар тизимида информатика ва ахборот технологиялари ўқув предмети дастурида кўрсатилган маълум билимлар тизимини чуқур тушуниш ва мустақкам ўзлаштириш ҳамда тегишли малакаларни ҳосил қилиш учун етарли миқдорда бўлишини таъминлаш лозим. Машқ ва масалалар тизимида ҳар бир мавзунини ўрганишнинг тўлиқ даврига қаратилган машқ ва масалаларни ўз ичига олиши, шунингдек, машқ ва масалалар сонини оптимал миқдорга келтириш, яъни бунда ўқувчиларнинг кераксиз машқларга сарфлайдиган ўқув вақти тежалиб, ундан бошқа мақсадларда фойдаланишга эришиш керак.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш жоиздир: ўқув жараёнида педагогик технологиялар ва инновацион усуллардан фойдаланиб, машқ ва масалаларни тизимлаштириш, уларни изчил кетма-кетлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда ўқув предмети мазмунини ўзлаштиришда таълим олувчилар тафаккурини ривожлантириш ва ўзлаштиришининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини эътиборга олиш зарур. Ҳар бир топшириқ ўрганилаётган мавзу мазмунини ойдинлаштириш билан биргаликда таълим олувчиларни янги билим ва ундаги ички мантиқий боғланишлар билан таништиради, фан бўйича олган назарий билимларини тизимлаштириб, мустақкамлашга йўналтиради.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Юлдашев У.Ю., Боқиев Р.Р., Зокирова Ф.М. Информатика ўқитиш методикаси.- Тошкент, 2005. - 160 б.
2. Исоқов И.,Тоштемиров Д.Э. Информатика ўқитиш методикаси. - Гулистон: ГулДУ, 2008. - 116 б.
3. Сайидахмедов Н., Янги педагогик технологиялар.- Тошкент: Молия, 2003.

- 172 б.

4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. -Тошкент: Истеъдод, 2008. - 180 б.

5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 жилдли, 2-жилд.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. - 672 б.

6. Ҳайитов А.Ф. Умумий ўрта таълимда Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўқитишни компьютерлаштириш назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док....дисс. автореф. Т.: ТДПУ, 2006. - 44 б.


ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Мажидов Жасур Бахтиярович

Жиззах давлат педагогика институти,
Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси
majidov-jdpi@mail.ru

ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА "ТРЕНЕР - СПОРТЧИ" ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation: J.B. Majidov. Special features of the relationship in the "coach-athlete" system in professional football teams. *Journal of innovations in pedagogy and psychology*, 5, 2020, pp. 36-43

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-6>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада профессионал футбол жамоаларида "Тренер-спортчи" тизимидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, тренер шахсининг фаолият услубидаги гностик, эмоционал ҳамда хулқ-атворга оид позицияларнинг ёндашувнинг спотчилар фаолиятига ва жамоадаги ижтимоий муносабатларга таъсири масалалари эмпирик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: "Тренер-спортчи" тизими, футбол, ўзаро муносабатлар, гностик, эмоционал, хулқ-атвор, касбий етуклик, жамоа, перцептуал баҳолаш.

Маджидов Джасур Бахтиярович.

Преподаватель кафедры Педагогике и психологии
Джизакского государственного педагогического института
majidov-jdpi@mail.ru

СВОЕОБРАЗНОСТИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ В СИСТЕМЕ "ТРЕНЕР-СПОРТСМЕН" В ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ФУТБОЛЬНЫХ КЛУБАХ

АННОТАЦИЯ

В данной рассматривается вопрос о своеобразности взаимоотношении в системе "Тренер-спортсмен". В этом уделяется особое внимание влияние на эмпирический анализ гностико-эмоционально личностное качества тренера на каждого

спортсмена в отдельности и спортивного коллектива в целом.

Ключевые слова: система "Тренер-спортсмен", футбол, взаимоотношения, гностика, эмоция, нравственные поведения, профессиональная зрелость, команда, перцептуальная оценка

Majidov Jasur Bakhtiyarovich

Jizzakh state Pedagogical institute,
Teacher of the Pedagogy and Psychology
of Department
majidov-jdpi@mail.ru

SPECIAL FEATURES OF THE RELATIONSHIP IN THE "COACH-ATHLETE" SYSTEM IN PROFESSIONAL FOOTBALL TEAMS

ANNOTATION

This article presents an empirical analysis of the specific features of the relationships in the "coach-athlete" system in professional football teams, the influence of the coach's gnostic, emotional and behavioral position during his working process on athletes activity and social relationship in the team.

Key words: "Coach-athlete" system, football, relationships, gnostic, emotional, behavior, professional maturity, team, perceptual assessment.

Бугунги кунда бутун дунёда спорт инсон фаолиятининг энг оммалашган турларидан бири ҳисобланади. Айни пайтларда спорт фақатгина соғломлаштириш функциясини бажариб қолмасдан, кучли ижтимоий ҳодисага ҳам айланиб улгурди. Мамлакатимизда ҳам спорт Давлат сиёсатининг нуфузли йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Спорт характерни чиниқтиради, ўз мамлақати, халқи учун гурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради, бу эса қўйилган мақсадга эришишга ёрдам беради".

Мамлакатимизда жамият ҳаётида спортнинг ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хукуматимиз томонидан "Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида"ги Қарори, 1993-йил 7-майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан биринчи ордон - биринчи ва иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони [1], Маданият ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президентимиз Фармони (2017-йил 15- феврал) Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида (2017 йил 3-июнь) ва 2019- йил 4-декабрдаги ПФ-5887 -сонли "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони [2] доирасида мамлакатимизда 2030 йилгача футболни ривожлантириш концепциясининг тасдиқланиши мамлакатимизда оммавий спорт тури бўлган футболни ривожлантириш, мазкур соҳада футбол клублари, спорт таълим муассасалари учун спорт шифокори, спорт психологи, спорт фармакологи, спорт ҳуқуқшуноси

ва спорт диетологи йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилиш. Шунингдек, замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тренер, селекционер (скаут), таҳлилчи, ҳакам, маркетинг ва футбол менежери йўналишлари бўйича юқори малакали футбол мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш орқали Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида футбол мутахассисларини тайёрлаш марказини ташкил этиш вазифалари белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун илм-фан ютуқларидан фойдаланиш ушбу соҳада кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилишини тақазо этади.

Спорт психологиясида спортчиларнинг психологик тайёргарлиги ва психик ҳолатларини бошқариш, спорт жамоаларидаги ўзаро муносабатлар мавзуси жуда долзарб бўлиб, у А.Ц. Пуни, Е.П. Ильин, А.В. Алексеев, Ю.Я. Киселев, Г.Д. Горбунов, И.П. Волков, А.Н. Николаев, П.А. Рудик, А.В. Родионов, Л.К. Серова, Ю.Л.Ханин, А. Стамбулов, Коломейцев Ю.А ва В.Ф. Сопов ўзларининг тадқиқот ишларида илмий асослаб беришга ҳаракат қилганлар [3, 244]. Лекин миллионлар ўйини ва кўпчиликнинг севимли спорт тури бўлишига қарамай спортнинг футбол тури психологик тадқиқотларнинг кенг кўламли объекти бўлиб улгурмаган. Спорт фаолиятининг шахс шаклланишига таъсири масалалари кўпроқ индивидуал иштирокчи спорт турларида ва айрим жамоавий спорт турлари доирасида кўриб чиқилган. Юртимизда ҳам бу борадаги ишларни етарлича дея олмаймиз.

Замонавий спортда спортчиларнинг тренерлар, педагоглар ва жамоадoshiлари билан ўзаро муносабатларини тўғри ташкил этиш, самарали мулоқот кўникмаларидан фойдалана билиш, ҳамкорликка асосланган фаолиятни самарали ташкил этиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Муносабатларни тўғри йўлга қўя олиш биринчи навбатда жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитнинг соғлом бўлишида, бирдамлик сифатларининг таркиб топишида, жамоавий руҳият устувор бўлишида ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Мазкур жараёнда спортчиларда самарали мулоқот кўникмаларини таркиб топтиришни рағбатлантириш энг аввало тренер билан спортчилар ва спортчиларнинг бир-бирин тўғри тушуна олишини таъминлаб беради.

Мазкур масалаларнинг баъзиларига жавоб топиш учун спортда ўзаро муносабатларнинг тизимли усулларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилади. Бу борада эса олиб борилган илмий тадқиқот ишлари жуда ҳам камчиликни ташкил қилади. Шу боис профессионал футбол жамоаларида ўзаро муносабатларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ва спортчиларнинг жамоага мослашишига (адаптация) ижобий муҳитни яратиш, футболчилар ижтимоий-психологик билимларини ривожлантириш, мувафаққиятга эришишда жамоавийлик ва бирдамликнинг муҳим еканлигини асослаш, жамоавий мулоқотнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалалардан биридир.

Футбол миллионлар ўйини сифатида ҳамманинг дилидан жой олган оммавий спорт тури ҳисобланади. Мазкур спорт турида шахснинг индивидуал мувофаққияти жамоа мувофаққияти билан боғлиқ тарзда кечиб, спортчининг нафақат индивидуал шаклланишига, балки жамоа шароитида гуруҳ доирасида ижтимоий тажрибаларни, спортнинг жисмоний ва маънавий ютуқлари ўзлаштиришига олиб келади.

Жамоавий ўйин сифатида футбол нафақат шахснинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари такомиллашувига, балки индивидуал қобилиятларнинг ривожланишига, иродавий сифатларнинг таркиб топишига, жамоа аъзолари

билан муносабатлари асосида муҳим ижтимоий тажрибаларни эгаллашида, ижтимоий онг тараққий этишида, бошқалар олдида масъулият ҳиссини таркиб топишига, бир сўз билан айтганда шахс шаклланиши ва таркиб топишида муҳим роль ўйнайди.

Жамоавий спорт турларида ўзаро муносабатларнинг кечиши кўп жиҳатдан тренер шахсининг касбий етуклиги ва унинг ижтимоий-психологик билимдонлигига боғлиқ бўлади. Айнан тренернинг шахсий ва ижтимоий сифатлари жамоавий муҳитнинг ва шу муҳитдаги устивор руҳиятнинг асосини белгилаб беради. Бу руҳият самарали-истиқболли натижадор фаолиятга йўл очиши ёки зиддиятли-самарасиз натижадорликнинг паст кўрсаткичи билан ифодаланиши мумкин.

Тренер қўл остидагиларда кучли ирода ва юқори ахлоқий меъёрларга эга бўлган жасур рицар имижидеги шахс сифатларини намоён эта олса, спортчиларда ҳам шундай мотивация уйғотиб бир-бирини тўғри идрок этиш ва ижтимоий перцептивликнинг унумдор услуби яратилади. Бу эса тренер ва спортчи муносабатлари (вертикал) кечишида ижтимоий-психологик ва педагогик унумдорликнинг ошишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади [4, с.124-126].

Тренер ва спортчи муносабатларини ўрганишда - Ю.Л.Ханин, ва А. Стамбулов томонидан ишлаб чиқилган диагностик усул кўплаб тадқиқотчилар ва спорт психологлари, педагоглари, тренерлари томонидан кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда ва бу ўз навбатида жамоавий спорт турларида тренер ва спортчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганишда, тренер фаолиятини баҳолашда ва тренер қўл остидаги спортчиларнинг жамоада ҳукм сурган ижтимоий муҳитдан қониқиши ва ижтимоий адаптацияси масалаларида маълум бир хулосалар қилишда фойдаланиш имкониятини туғдиради.

Мусобақанинг турли босқичларида спортчининг психологик хатти-ҳаракати ва фаолиятини таъминлашда асосий ролни унинг тренери бажаради. Тренернинг вазифаси нафақат спортчининг спорт ютуқлари билан, балки ҳар томонлама ривожланган, билимли ва ўз-ўзини ривожлантиришга қодир бўлган шахсни тарбиялаш ҳамдир. Шундай экан жамоадаги ўзаро муносабатларнинг кечиши тренернинг ижтимоий-психологик ва касбий етуклиги билан бевосита боғлиқдир.

Биз тадқиқотимизда "Тренер- спортчи" тизимидаги муносабатларни ўрганиш учун Ю.Л.Ханин, А. Стамбулов томонидан ишлаб чиқилган "Тренернинг шахсий фаолияти хусусиятларини ижтимоий -персептуал баҳолаш" услубидан фойдаланиб учта футбол жамоаларида тренер ва спортчи муносабатларини ўргандик. Ушбу услуб 24 саволдан иборат бўлиб, ҳар бир хусусият 8 тадан савол асосида аниқланади, яни гностик, эмоционал ва хулқ-атвор хусусиятлари.

- Гностик хусусиятлар - тренернинг спортчилар нуқтаи назаридан мутахассис сифатида малакаси даражасини очиб беради.

- Эмоционал хусусиятлар-тренернинг шахс сифатида спортчилар учун қанчалик жозибдорлигини аниқлайди ва ўзаро муносабатларга киришишдаги фаоллигини кўрсатиб беради.

- Хулқ-атвор хусусиятлари - бу тренер ва спортчиларнинг ўзаро муносабатлари келажакда қандай ривожланиб боришини кўрсатиб беради.

Тадқиқотда иштирок этган спортчилар 18-29 ёшлар оралиғида, жами 69 нафар.

Олинган натижаларга кўра "Зомин бўрилари" профессионал футбол жамоасида спортчилар томонидан берилган баҳога кўра тренернинг гностик хусусиятлари

ўртача 7.3 ни ташкил этиб, тренер спортчилар томонидан мутахассис сифатида юқори билим ва малакаларга эга касбий етук инсон сифатида баҳоланди. Гностик жиҳатларга эътибор қаратувчи тренер шогирдлари билан ўзаро муносабатларида уларга кўроқ билим беришга, фаолият соҳаси бўйича саводхонлигини оширишга, кўпроқ маълумотлар билан қуроллантиришга ҳаракат қилади.

Ю.Л.Ханиннинг таъкидлашича гностик жиҳатларга эътибор қаратувчи тренернинг биринчи навбатдаги вазифаси ўз шогирдларини билимлар билан қуроллантириш муҳим деган установакалар мавжуд бўлади.

Эмоционал жиҳатлар бўйича натижаларнинг ўртача кўрсаткичи 6.4 ни ташкил этиб, тренернинг шахс сифатида спортчилар учун жозибадорлиги юқори баҳоланган. Спортчилар тренерни ижтимоий етук ва ўзаро муносабатларда самимий инсон сифатида билишади.


Ю.Л.Ханиннинг таъкидлашича эмоционал жиҳатларга эътибор қаратувчи тренер ўз шогирдларида атрофдагилар билан муносабат кўникмаларини шакллантириш муҳим деган фикрга эга бўлиб, тренернинг вазифаси спортчиларни мусобақа ва ҳаётий ҳолатларга тайёрлаш, шахслараро муносабатларга киришишга ўргатиш, уларда ўзаро ишонч ва ҳурмат туйғуларини шакллантириш лозим деган установакалар билан суғорилган. Тренер фаолиятида мазкур хусусиятнинг устувор бўлиши спорт жамоасида ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш асосида жамоада бир-бирини тушиниш, ўзаро ҳурмат муҳитининг юзага чиқишида муҳим омил ҳисобланади.

Хулқ-атвор хусусиятлари - бу тренер ва спортчиларнинг ўзаро муносабатлари қандай ривожланиб боришини кўрсатади. Ушбу хусусият бўйича "Зомин бўрилари" профессионал футбол жамоаси синалувчиларининг ўртача кўрсаткичи 6.4 ни ташкил этиб тренер ва спортчиларнинг ўзаро муносабатлари ривожланиб бориш тенденциясига эга эканлигини ифодалаб берди.

Хулқ-атвор хусусиятларига эътибор қаратувчи тренер ўз фаолиятида шогирдларига нима тўғрию, нима нотўғри эканлигини англаштириш, тартиб-интизомга амал қилиш, масъулият ва жавобгарлик туйғуларини шакллантириш асосида ўзаро ҳурмат муҳитини яратишга интилади (диограмма -1).

"Зомин бўрилари" профессионал футбол жамоасида тренер-спортчи тизимидаги муносабатларнинг ифодалиниши. Ю.Л.Ханин, А. Стамбулов услуби бўйича.

Диограмма-1



Жамоанинг ҳар учала, яъни гностик, эмоционал ва хулқ-атвор хусусиятлари бўйича ўртача кўрсаткичи 20.2 ни ташкил этди. Бу эса жамоада ўзаро муносабатлар юқори ижтимоий нормаларга таяниб олиб борилишидан далолат беради. Олинган натижалар таҳлидан ҳам кўришимиз мумкинки, "Зомин бўрилари" профессионал футбол жамоасида тренер-спортчи тизимидаги ўзаро муносабатлар жамоада ижобий ижтимоий-психологик муҳит мавжудлигидан далолат бериб, тренер

спортчилар томонидан ўз касбининг устаси сифатида идрок этилади. Жамоанинг 2019-йилги Пролигада эришилган мувафаққиятлари ҳам буни тасдиқлайди.


Иккинчи тадқиқот объектимиз Сўғдиёна ПФКнинг ёш футболчилар жамоасида тренер-спортчи тизимидаги муносабатларда гностик жиҳатларнинг ўртача кўрсаткичи 6.4 ни ташкил этди. Демак, мазкур жамоада ҳам тренер спортчилар томонидан юқори билим ва малакаларга мутахассис сифатида баҳоланади.

Эмоционал жиҳатлар бўйича натижаларнинг ўртача кўрсаткичи 6.1 ни ташкил этиб, тренернинг шахс сифатида спортчилар учун жозибadorлиги юқори баҳоланган, яни тренерни хушмуомалали инсон сифатида билишади.

Хулқ-атвор хусусиятлари бўйича синалувчиларининг ўртача кўрсаткичи 6.1 ни ташкил этиб тренер ва спортчиларнинг ўзаро муносабатлари ривожланиб бориш тенденциясига эга эканлигини ифодалаб берди (диограмма-2).

Сўғдиёна ПФКнинг ёш футболчилар жамоасида тренер-спортчи тизимидаги муносабатлар кўрсаткичи

Диограмма-2



Сўғдиёна ПФКнинг ёш футболчилар жамоасида тренер шахси фаолияти ва тренер-спортчи тизимидаги ўзаро муносабатларнинг ҳар учала:гностик, эмоционал ва хулқ-атвор хусусиятлари бўйича ўртача кўрсаткичи 18.8 ни ташкил этди.

Учинчи тадқиқот объектимиз ҳисобланган Насаф ПФКнинг ёш футболчилар жамоасида тренер шахси фаолияти ва тренер-спортчи тизимидаги муносабатларда гностик жиҳатларнинг ўртача кўрсаткичи 6.4 ни ташкил этди. Демак, мазкур жамоада ҳам тренер спортчилар томонидан юқори билим ва малакаларга мутахассис сифатида баҳоланади.


Эмоционал жиҳатлар бўйича натижаларнинг ўртача кўрсаткичи 5.4 ни ташкил этиб, тренернинг шахс сифатида спортчилар учун жозибadorлиги ва бошқалар билан муносабат ўрната олишдаги фаоллиги ўртача кўрсаткичда баҳоланган.

Хулқ-атвор хусусиятлари бўйича синалувчиларининг ўртача кўрсаткичи 5.3 ни ташкил этиб тренер ва спортчиларнинг ўзаро муносабатлари айрим қийинчиликларга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳар учала хусусиятлар:гностик, эмоционал, хулқ-атвор хусусиятларининг ўртача кўрсаткичи 17.2 ни ташкил этиб, спортчиларда тренер фаолиятига ва фаолият услубига нисбатан танқидий муносабатини сезишимиз мумкин. Бу ўз навбатида тренернинг фаолият услубида спортчилар билан индивидуал ва жамоавий муносабатлар ўрнатишда баъзи қийинчиликлар учраб туришидан далолат беради (диограмма 3).


Насаф ПФКнинг ёш футболчилар жамоасида тренер шахси фаолияти ва тренер-спортчи тизимидаги муносабатлар кўрсаткичи

Диограмма-3



Тадқиқот ишидаги натижаларни умумлаштириб ҳар учала жамоада Ю.Л.Ханин, А. Стамбулов томонидан ишлаб чиқилган "Тренернинг шахсий фаолияти хусусиятларини ижтимоий -персептуал баҳолаш" услуби асосида олинган натижаларнинг тизимлашган кўриниши қуйидагича мазмунга эга бўлди. Бунда тренерлар фаолияти услубининг ҳар учала хусусиятлар:гностик,эмоционал,хулқ-атвор хусусиятлари кўрсаткичлари 24 баллик баҳолаш тизимида асосида ифодаланган.(диограмма-4)

Тренерлар фаолиятини ижтимоий - персептуал баҳолаш кўрсаткичлари. Диограмма-4



Олинган натижалар асосида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

- Тренерлик ишидаги муваффақият кўп жиҳатдан, тренернинг билимига ва спортчилар ва жамоа билан муносабатларини тўғри ўрната олишига ҳамда ўз билимларини шогирдларига узата олишдаги маҳоратига боғлиқ бўлади;
- Тренернинг спортчилар ва спортчиларнинг тренер ҳақида этарлича маълумотларга эга бўлиши ўзаро тушуниш ва ишончга, мақсадлар бирлигини англашга олиб келади;
- "Тренер-спортчи" тизимидаги ўзаро муносабатларнинг кечиши тренернинг спортчилар кутадиған ролни қай даражада бажара олиши билан ҳам белгиланади. Агарда, тренер ўз касбий ролини мувафаққиятли бажара олса, спортчилар томонидан юқори персептуал баҳолаш юзага келишига асос бўлиши мумкин. Бу эса спортчиларда танланган фаолиятдан қониқиш ҳосил қилиши ва мувафаққиятга интилиш мотивацияларининг таркиб топишига замин яратади.

Иқтибослар/Сноски/ References


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони (2002 йил, 24 октябрь) . Маърифат газетаси, 2002 йил, 31 октябрь 2 б. (// Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the establishment of the Children's Sports Development Fund in Uzbekistan". (24 October, 2002) "Marifat" journal 31 October, 2002. 2 p//).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони.4-декабрь 2019- йил- <http://lex.uz/m/acts/4631208> (//Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to bring the development of football in Uzbekistan to a completely new level". December 4, 2019 - [http // lex.uz / m / acts / 4631208//](http://lex.uz/m/acts/4631208/))
3. Фалсафа:таълим ва инновация. Ёш олимлар илмий -амалий конференцияси материаллари тўплами.ЎзМУ 2012 -йил, 244-бет. (// Philosophy: education and innovation. Collection of the materials from the young scientists conference. NUU 2012. 274 p//).
4. Ханин Ю.Л. Психология общения в спорте, М. 1980.- 124-126 с.(//Khanin Yu.L. The Psychology of Communication in sport, М. 1980.-124-126 p //).
5. Ильин Е.П. Факторы, обуславливающие эффективность педагогического общения / Психология физического воспитания. - СПб: Изд. - во РГПУ им. А.И. Герцена, 2000. - 486 с. (//Ilyin E.P. Factors determining the effectiveness of pedagogical communication / Psychology of physical education. - SPB: Publ. - in the Russian State Pedagogical University named after A.I. Herzen, 2000 .-- 486 p //).
6. Деркач А.А., А.А. Исаев. Творчество тренера. - М.: ФиС, 1982 -236 с (// Derkach A.A., A.A. Isaev. Creation of coach. - М .: FiS, 1982 .- 236 p //).
7. Коломейцев Ю.А. Взаимоотношения в спортивной команде. - М.: 1984, с 246. (//Kolomeitsev Yu.A. Relationships in asports team.- М .: 1984.-- 246 p //).

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Davlatova Ra'no Haydarovna
Filologiya fanlari nomzodi dotsent
Abdurahmonova Kamola Erkin qizi
Navoiy davlat pedagogika instituti talabasi
abdurahmonovakamola76@gmail.com

**KORREKSION PEDAGOGIKA MASHG'ULOTLARINI OLIV
BORISHDA INNOVATION YONDASHUVNING AHAMIYATI**

For citation: R.H Davlatova, K.E.Abdurakhmonova. The importance of innovative orientation in the conduct of correction pedagogy. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020, pp. 44-50

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-7>

ANNOTATSIYA

Bilimli shaxsni tarbiyalashda bolani ruhiy jarayonlarining rivojlanishini, ayniqsa, imkoniyati cheklangan, alohida yordamga muhtoj bo'lgan bolalarning ruhiy jarayonlari xususiyatlarini bilish maxsus mutaxassislar uchun katta ahamiyatga ega. Interfaol usuli nafaqat ta'limda, balki tarbiyada ham, ayniqsa, yaxshi natija keltiradi. Ilmiy nuqtayi nazardan qaraganda, o'qituvchi bolaga ta'lim berganda, uning yoshi, shaxsiy xususiyatlari va qiziqishlarini inobatga olishi kerak. Dars jarayonida o'quvchi o'z fikrini erkin himoya qila olishi kerak.

Kalit so'zlari: texnologiya, korreksoin pedagogika, innovatsiya, ko`nikma, metod, Ladolt namunasi.

Давлатова Раъно Хайдаровна
Кандидат филологических наук, доцент
Абдурахмонова Камола Эркин қизи
студентка Навоийского государственного
педагогического института
abdurahmonovakamola76@gmail.com

**ВАЖНОСТЬ ИННОВАЦИОННОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ В
ВЕДЕНИИ КОРРЕКЦИОННОЙ ПЕДАГОГИКИ**

АННОТАЦИЯ

В воспитании образованного человека важно знать развитие психических процессов ребенка, особенно особенности психических процессов детей с ограниченными возможностями, которые нуждаются в особой заботе. Интерактивный метод особенно эффективен не только в образовании, но и в воспитании. С научной точки зрения, учитель должен учитывать возраст ребенка, личностные особенности и интересы при обучении. Во время урока ученик должен уметь свободно отстаивать свою точку зрения.

Ключевые слова: технология, коррекционная педагогика, инновация, мастерство, метод, пример Ладольта.

Davlatova Ra'no Haydarovna,

Candidate of philological sciences,
Associate Professor

Abdurakhmonova Kamola Erkin qizi

Student of the New State

Pedagogical Institute

abdurahmonovakamola76@gmail.com

THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE ORIENTATION IN THE CONDUCT OF CORRECTION PEDAGOGY**ANNOTATION**

In the upbringing of an educated person, it is important to know the development of the child's mental processes, especially the characteristics of the mental processes of children with disabilities who need special care. The interactive method is especially effective not only in education but also in upbringing. From a scientific point of view, the teacher should take into account the child's age, personal characteristics and interests when teaching. During the lesson the student should be able to freely defend their point of view.

Keywords: technology, correctional pedagogy, innovation, skill, method, Ladolt example.

O'qituvchi o'z nuqtayi nazaridan kelib chiqib fikr bildiradi. Chunki o'quvchilarga yangi interfaol usullarda dars berish orqali ularda fanga bo'lgan qiziqish va bilim, malaka ko'nikmalarni shakllantirishda mustahkam asos bo'ladi. O'qitishning interfaol usulari ta'lim jarayonida guruhiy tenglikni hamkorlikdagi faollikni ta'lab etadi. Ta'lim jarayonida interfaol usullardan foydalanish ijtimoiy darslarni o'qitishda yordam beruvchi va qo'l keluvchi usullardir. Ta'lim jarayonida interfaol usullardan foydalanish o'quvchilarga yuqori samara berish bilan birga ularni psixologik bilimlarni yanada chuqurroq o'rganadi.

Eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalar diqqatini tekshirishda bolalarning yosh hamda nutqi rivojlanganlik holatiga muvofiq metodikalar tanlab olinadi. Maktab yoshidagi eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarning turg'un diqqatini tekshirishida Landolt namunalaridan (shaklli, raqamli, harfli jadval) foydalaniladi.

Aqliy hujum metodi

Aqliy hujum metodi talabalarning o'rta tashlangan masalaga faol munosabat bildirishlarini ta'minlashga imkon yaratadigan, foydalanishga qulay metodlardan biridir.

Bu metod qo'llanilayotgan paytda o'quvchilar o'zlarini erkin his qiladilar va shaxsiy fazilatlarini namoyon qiladilar. Bunda avval munozara uchun tanlangan mavzu umumiy tarzda qisqacha izohlanadi va o'quvchilar hukmiga tashlanadi. O'quvchilar kichik guruhlariga ajratilib masala yuzasidan o'z munosabatlarini o'rtaga qo'yadilar. Kichik guruhlar tomonidan ma'qul ko'rilgan fikrlar doskaga belgilab boriladi. Turli qarashlardan iborat umumiy fikrlar platformasi hosil qilinadi. Har bir kichik guruhning xulosasiga alohida rag'bat ko'rsatiladi.

Aqliy hujum metodini qo'llash bo'yicha savollar:

1. Fonetika nimani o'rgatadi? Javob variantlari: 1. Nutq tovushlarini. Izoh. 2. Yo'q, so'zlarni. Izoh.

2. Talaffuzulyatsion fonetikada nimalar o'rganilishini misollar yordamida tushintiring Javob variantlari: 1. Javob. Izoh. 2. Javob: Izoh.

3. Leksikologiya bilan semasiologiyaning farqi bormi? Javob variantlari: 1. Bor, birinchisi tilning lug'at boyligini, ikkinchisi so'zlar ma'nosini o'rganadi. 2. Yo'q, har ikkisi ham bir so'zning ikki tildagi ko'rinishi.

Boshlang'ich sinflarni o'qitish jarayonida quyidagi yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish tavsiya qilinadi.

"3 si 1" (uchtasi birda) metodi [1, 66].

Bu metod mutaxassislar tomonidan ishlab chiqilgan va hozirgi kunda ta'limda muvaffaqiyat bilan keng qo'llanib kelinayotgan uchta metodni birlashtirib qo'llashni nazarda tutadi. Ya'ni: aqliy hujum, forum va inferens metodlari. Dars jarayonida ba'zan birgina metodni qo'llash yetarlicha bo'lmaydi. Boshlang'ich sinf o'quvchilari qiziqishini inobatga olib boshqa metodarni ham bir dars mobaynida me'yorni unutmagan holda qo'llash yaxshi samara berishi mumkin. Ma'lumki, ko'pgina metodlar maktab o'quvchilari saviyasiga mo'ljallab ishlab chiqilgan. Boshlang'ich sinf o'quvchilari mustaqil fikrlashi, voqelikka tanqidiy, mantiqiy va shaxsiy munosabatini bildira olish bilan narsa hodisalar xususiyatlarini o'rganishni xohlashadilar. Shularni hisobga olib darsda turli metodlarni sintezlash, samarador jihatlaridan erkin va ijodiy foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi. "3 si 1" metodining yaxshi tarafi shundaki, dars materialini hisobga olib turli metod elementlarini ixtiyoriy ravishda birlashtirib qo'llash imkoniyati mavjud.

"3 in 1" metodining afzalliklari

1. O'qituvchining dars mavzusiga mos metodlarni tanlash huquqiga egaligi.

2. O'quv jarayonida qo'llaniladigan texnik vositalarning mavjudligi va sharoitga moslashishning qulayligi.

3. Boshlang'ich sinf o'quvchilari tayyorgarligi, mavzuni qay darajada qamray olishiga ko'ra eng ma'qul metodlarni tanlashga qulayligi.

4. Boshlang'ich sinf o'quvchilari sonidan kelib chiqib metod tanlash imkonining mavjudligi.

5. Vaqtni hisobga olib mavjud metodlarning eng muhim elementlarni tanlash imkoniyatining mavjudligi.

6. O'tilayotgan mavzuga boshlang'ich sinf o'quvchilarining erkin munosabat bildira olishi.

7. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining voqelikka farqli jihatlaridan yondashish mumkinligini anglashiga yordam berishi.

8. O'ziga ishonch bildirilayotganligini muntazam his qilishi natijasida o'quvchilarda ilmiy munosabat bildirish malakasining shakllanishiga yordam berishi.

"3 si 1" metodning kamchiliklari

1. O'qituvchi - o'quvchi munosabati va o'rtadagi farq saqlanib qoladi. O'qituvchining

xulosasi muhim bo'lib qolaveradi. Muammolar yechimida o'qituvchi munosabati yetakchilik qiladi.

2. Guruhdagi barcha boshlang'ich sinf o'quvchilarining faolligini ta'minlashning imkonsizligi.

3. Munozaralar sababli yuzaga keladigan shovqinning mavzuning tushunilishiga salbiy ta'sir ko'rsatishi.

"3 in 1" metodini qo'llash uchun o'qituvchilarga tavsiyalar

1. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mustaqil shaxs sifatida e'tirof etishingizni bildiring va o'zingiz bunga birinchi navbatda amal qiling.

2. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining zaif tomonlarini sezganda unga e'tiborliroq bo'ling.

3. O'quvchi fikr bildirayotganda uni e'tibor bilan tinglang va dastaklang.

4. Boshlang'ich sinf o'quvchilari masalaning echimini topgunicha sabr bilan kuting.

5. Boshlang'ich sinf o'quvchilari noto'g'ri fikri uchun jazolamang, kamsitmang.

6. Ta'qiqlashda nimani qilmaslikni emas nega qilmaslik kerakligini tushuntirishga harakat qiling.

7. Muvaffaqiyatli harakat va yaxshi fikr egalarini, faol o'quvchilarni muntazam rag'batlantirib boring.

8. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining zerikishiga imkon bermang. 9.

Har bir o'quvchining faol ishtirok etishiga imkon yarating.

10. Hech qachon "sening fikring noto'g'ri" demang.

11. Darsdagi muammoning echimi haqida darsdan so'ng ham munozara davom etishiga erishing.

12. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini hech qachon "a'lochi" va "ikkichi" kabi toifalarga ajratmang.

13. Oson tushuniladigan, adabiy ravon tilda so'zlang. Ovoz ohangini mavzuga mos ravishda o'zgartirib boring.

14. Xulosa chiqarishga shoshilmang.

15. Darsingizni va o'quvchilaringizni hurmat qiling.

Eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarda ta'lim-tarbiya berish jarayonida o'yin ahamiyatga ega, chunki, o'yin bolalarning aqliy jihatdan faolligini oshiradi, bilimga doir ijodiy qobiliyatlarini rivojlantiradi.

Ma'lumki, har bir o'yinda bolalar nutqiy muomalaga kirishadi. Eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalar o'yin jarayonida ibora va gaplarni ko'p marotaba takrorlaydi. So'zlashuv nutqini muloqot quroli sifatida shakllantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

O'yinlarning tarbiyaviy ahamiyati ham beqiyosdir. O'yin bolalarning jismoniy, axloqiy, estetik tarbiyalaydi. Aksariyat harakatli o'yinlar bolalarning jismoniy rivojlanishiga yordam beradi. Harakatli o'yinlarda uygun ritmik harakatlari tarbiyalanadi, nutqning ravon, ifodali bo'lishiga erishiladi. To'g'ri tanlangan o'yinchoq rasm ko'rgazmali qurollar estetik didni tarbiyalaydi.

O'yinlar o'z qoidalari asosida tashkil etiladi. O'yin qoidalariga rioya qilgan holda o'quvchilar jamoada o'zini tuta bilishni, o'rtoqlarini hurmat qilishni ularga yordam berishni o'rganadi, intizomga odatlanadi. O'yin soflik va haqiqatgo'ylikni tarbiyalashga yordam beradi. O'yin jarayonida o'z kuchiga ishonch, intiluvchanlik, qa'tiylik, sinchkovlik sifatleri tarbiyalanadi. O'yinlarning xarakterli tomoni shundaki, pedagoglar ta'lim jarayonida o'yin usuliga haddan ortiq berilmasligi kerak.

O'yinlar eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarni nutqini shakllantiradi hamda boshqalarning nutqni tushunishga o'rgatadi.

Mazkur o'yinlarga o'quvchilar berilgan matnlardan muayyan nutq birliklarini ajratishadi.

Ularda nutqni tushunish malakalari hosil bo'ladi. Tanish, hatto notanish bo'lgan so'zlar, iboralarni, atrofdagilar nutqini tushunib oladi. Masalan, o'quvchilar "Buyruq bajar" o'yinida o'quvchilarning ko'rsatmalarini bajaradi. "Aks sado" o'yini talaffuz malakalarini rivojlantiradi. "Javob ber", "Nima savol berdim?", "Imtihon, ha - yo'q" o'yinlari savol-javob berishni o'gansa, bularning farqi nimada, "Pochta", "Ko'r eslab qol" o'yinlarida o'z fikrini ravon ifodalashni o'rganadi. Ona tilini o'rganishda qo'llaniladigan o'yinlar shartli ravishda harakatli stol o'yinlarni, tinch hamda nutqiy rolli o'yinlarga ajratiladi.

"Buyruqlar", "Koptok bilan o'ynaladigan o'yin", "Men o'tiribman", "O'z o'rnigni top", "Oq terakmi ko'k terak" o'yinlari harakatli nutqiy o'yinlar bo'lsa, "Sichqonlar", "Pufak" nutqiy o'yinlar hisoblanadi [1,].

Rolli o'yinlar intsenirovka stol teatrlari tarzida sahnalashtirilishi mumkin. Dastlab o'yin matni o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilib olinadi. O'yin jarayonida takrorlanadi. Keyinchalik o'quvchilarda so'z boyligi ortgan sari nutqiy materialdan mustaqil ravishda ijodiy foydalaniladi.

Rolli o'yinlardan o'quv materiallarni mustahkamlashda foydalanish mumkin. O'quvchilar matn bilan tanishgach, asar sahnalashtiriladi. Stol teatri vositasida yohud syujetli filmi ko'rsatib uni batafsil ifodalaydi, o'quvchilar esa rollar vositasida rasmdagi harakatlarni va syujetli ishtirokchilarning nutqini aks ettiradi.

Rolli o'yinda o'qituvchi uyatchan, kamgap bolalarni faol rollarga, haddan ortiq faol bolalarni tinch rollarga jalb etishi kerak.

O'yin mavzusi dastur talablaridan kelib chiqqan holda tanlanadi hamda tushunarligi hisobga olinadi. O'yinlarning turini ortiqcha o'zlashtirish ham to'g'ri emas. Ba'zan turli ta'limiy variantdan foydalanish yaxshi natijalar beradi.

Bunda yangi o'yinini tushuntirishga sarflanadigan vaqt tejaladi, nutqiy materialni mukammallashtirish uchun imkoniyat yaratadi.

Kuzatuvlar shuni ko'rsatadiki, tanish o'yinning yangi turi bolalar uchun qiziqarliroqdir.

Kichik maktab yoshidagi eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarning mavhum tafakkuri rivojlanmagashshgi tufayli o'yinlarni ko'rgazmali holda tashkil etish tavsiya etiladi. O'yinlarda turli o'yinchoq o'quv qurollari va predmetlardan foydalaniladi. Agar kerakli predmetlar bo'lmasa, predmet ham tavsiya etiladi. Tayyor kartochkalarning matnlarini maxsus dastur talablariga moslashtirish maqsadga muvofiqdir. O'qituvchi turli kitob va jurnallardan olingan rasmlardan kerakli kartochkalarni tayyorlaydi. Rasmlar yorqin rangda, kattaligi 10 sm x 10 sm bo'lib, kartonga yopishtiriladi. Bunday kartochkalar "rasimli loto", "Savodxonli estafetasi", "O'ylab top", "Kartochkali o'yin", "Magazin" va boshqa o'yinlarda ishlatiladi. Ba'zi o'yinlarda matnlar so'z, gaplar ifodalangan rasmsiz kartochkalardan foydalaniladi. Masalan, "Savolli loto" o'yinida kartochkalarda savollar yoziladi: "Izquvarlar" o'yinda so'zlari tushirilib qoldirilgan kartochkalardan foydalaniladi. Mazkur kartochkalar o'quvchilar soniga qarab tayyorlanadi, ularni to'plam qilib yil davomida foydalanish mumkin.

O'yin jarayonida asl o'yinchoqlardan tashqari, ularning o'rnini bosuvchi predmetlardan foydalaniladi. Masalan, "Pochta" o'yinida partalar - "uyalar" va "xonalar", "qatorlar - ko'chalar", o'qituvchi stoli - "pochta" va hokazolar bo'ladi. O'yinda muvaffaqiyatga erishishi uchun uni to'g'ri tashkil etish va unga to'g'ri rahbarlik qilish talab etiladi.

Dastlab o'qituvchi o'yin qoidalari, mazmuni va borishini tushuntirib beradi. O'qituvchi o'yin jarayonida o'quvchilarni nutqiy faollikka undaydi. Samarali tashkil etilgan o'yin xarakatlari va muomala vaqtida o'quvchilarda tabiiy erkin kommunikatsiyaga ershiladi. O'yinlar jarayonida o'quvchilar tilni egallashlari, nutqiy muomalaga erkin kirisha olishlari talab etiladi. O'yin jarayonida yo'l qo'yilgan xatolarni o'qituvchi kuzatib borishi jarayonida

hisobga olishi va qanday to'g'rilashni rejalashtirilishi kerak. Dastlab o'quvchilar muomalada turli xatolarga yo'l qo'yishi mumkin, bu holatlar asta - sekin o'yinining borishini buzmasdan bartaraf etiladi (masalan, dialoglar orasida). O'yin yakunida o'quvchilarni ko'prok, rag'batlantirish talab etiladi. O'yining ayniqsa, musobaqa o'yinlari natijalarini baholashda quyidagi rag'batlantirish usullari qo'llaniladi:

1. To'g'ri javob uchun ball berish.
2. Xatolar uchun jarima ball olish.
3. Xatolarga yo'l qo'ygan o'quvchidan sovrinli fishkalarini olib qo'yish.
4. O'yinda ko'p ball to'plangan o'quvchilar g'olib chiqadi [1, .67].

Eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalar o'yin yakunida rag'batlantirish, ularni o'z kuchiga ishonish hamda muloqotga faol kirishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Eshitishida nuqsoni bo'lgan bolalarning ta'lim - tarbiya jarayoni samarasi natijalarga erishishi va nutqni muloqot quroli sifatida shakllantirishda muhim omil hisoblanadi. Nuqsonli bolalarda xayol, ayniqsa, yosh bolalarda o'ziga xos xususiyat, ko'rinishga ega. Eshitish qobiliyati buzilgan bolalardagi xayolning o'ziga xosligi ulardagi og'zaki nutq va mantiqiy tafakkurning kechikib shakllanishi bilan uzviy bog'liq. Ko'rish tasavvurlari har doim ham kerakli darajada tahlil etilmaydi. Shu sabab ular tomonidan yangi predmetlar tahlili qiyosiy amalga oshadi. Demak, nuqson: ko'rinishmi, eshitishmi, aqliymi, nutqmi baribir xayol jarayonlarining kechishiga, shakllanishiga, rivojiga o'z salbiy ta'sirini o'tkazmay qolmas ekan. Bu deyarli isbot, tushuntirish talab etilmaydigan haqiqatdir. Lekin, bu taassurotlarni qancha erta, muvaffaqiyatli korreksiyalasak o'quvchilarda xayol jarayonlari shunchalik tez va to'liq rivojlanishi mumkin. Bu jarayonning tafakkur bilan chambarchas bog'liqligini e'tiborga olsak, masalaning mohiyati yanada tezroq ravshanlashadi. Xayol shaxsning intilishi, talablari bilan ham belgilanadi. Ko'rgan, eshitgan, bilgan narsalar obrazlari xotiramizda saqlanadi. Kerak vaqtda ularni tiklashimiz mumkin. Bu jarayon xotira obrazlari sifatida jonlanadi. Yoki, tasavvurlar shaklida ko'z oldimizga keladi. Xayol obrazlari tasavvur obrazlaridan o'ziga xos tomonlari bilan ajralib turadi. Tafakkur va xayol oraliqida uzviy, mantiqiy birlik, bog'liqlik bor. Ammo, o'ziga xos farqlari ham bor. Bularni ajrata olish darkor. Inson biror murakkab muammoni yechishi talab etilganda tafakkurga murojaat etadi. Bunday natijalarga erishish yo'llari mavjud bo'lsa, tafakkur orqali biz tafakkurdan ko'ra xayol kuchiga tayanamiz. Xayolning rivojlanishi konkret ko'rgazma obrazlardan mavhum tushunchalar orqali yangi xayol obrazlari ijod qilish tarzida amalga oshirib boriladi.

Иқтибослар/Сноски/ References

1. V.S. Raxmanova "Korreksion pedagogika va logopediya" // "Alohida yordamga muhtoj bolalar toifalari". - Toshkent: IQTISOD-MOLIYA, 2007, 14- 16-betlar.
2. M.Y. Ayupova "Logopediya" // "Logopedik ta'sir tamoyillari va metodlari". - Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2007, 60-bet
3. O.U. Xasanboyeva, M.X. Tojiyeva, Sh.K. Tashpulatova, M.M. Pirmuhammedova, R.T. Akbarova, MSh. Nurmatova, N.M. Qayumova, N.N. Djamilova, X. Sariyev, I.A. Kulay. " Maktabgacha ta'lim pedagogika" //- Toshkent: ILM ZIYO, 2006, 67-bet
4. Sh. Sodiqova " Maktabgacha pedagogika"//- Toshkent: Tafakkur bo'stoni, 2013, 84-bet
5. Jalilov S.X. "Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasi" // - Toshkent: Faylasuflar, 2017, 357-bet
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1997-yil 29-avgustdagi "Ta'lim to'g'risida"gi

Qonuni.

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1997-yil 29-avgustdagi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni.

8. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 16-avgustdagi "Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida" gi 390-sonli Qarori.


9. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" // Oliy ta'lim (me'yoriy huquqiy va uslubiy hujjatlar to'plami). - Toshkent: 2004, 4-bet.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Хабибова Камила Базарбаевна
Гулистанский государственный
университет преподаватель кафедры
Теории и методики физической культуры

**ПРИМЕНЕНИЕ ЭЛЕМЕНТОВ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ
ГИМНАСТИКИ НА УРОКАХ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В
ШКОЛЕ**

For citation: K.B.Khabibova. Using the elements of rhythmic gymnastics at the lessons of physical culture at school. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 51-56

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-8>

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается проблема практической пользы применения элементов художественной гимнастики в рамках школьных занятий физической культурой. Основной проблемой данной статьи является необходимость модернизации современных методов и способов проведения школьных занятий физической культурой, которую способно разрешить внедрение в рамки школьной образовательной программы элементов художественной гимнастики. Рассматриваются шесть видов учебного материала, относящиеся к физической подготовке школьников. Также в работе приводятся основные методы обучения элементам художественной гимнастики, в число которых входят целостный метод и метод расчленения.

Ключевые слова: художественная гимнастика, занятия физической культурой, образовательная программа, модернизация методов и способов проведения занятий физической культурой, гимнастические предметы, виды учебного материала, методы обучения элементам художественной гимнастики, упражнения художественной гимнастикой.

Хабибова Камила Базарбаевна
Гулистон Давлат Университети
Жиисмоний маданият
назарияси ва методикаси

кафедраси ўқитувчиси

ЎРТА МАКТАБЛАР ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ ГИМНАСТИКА ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мактаб доирасида жисмоний маданият машғулотида бадий гимнастика элементларини қўллашнинг амалий фойдаси масалалари ўрганилади. Ушбу мақоланинг асосий муаммоси мактабларда жисмоний маданият машғулотида олиб боришнинг замонавий усул ва услубларини модернизациялаш зарурияти ҳисобланиб, ушбу муаммони мактаб таълим дастурига бадий гимнастика элементларини жорий этиш орқали ечиш мумкин бўлади. Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигига доир олти турдаги ўқув материали ўрганиб чиқилган. Шунингдек, ушбу мақолада бадий гимнастика элементларини ўқитишнинг, шу жумладан ўз ичига яхлитлик усули ва бўлиниш усулларини оладиган асосий усуллар келтирилган.

Калит сўзлар: бадий гимнастика, жисмоний маданият машғулоти, таълим дастури, жисмоний маданият машғулотида олиб бориш усуллари ва услублари модернизацияси, гимнастикага доир предметлар, ўқув материали турлари, бадий гимнастика элементларига ўқитиш усуллари, бадий гимнастикага доир машқлар.

Khabibova Kamila Bazarbeva

Gulistan State University

Teacher of the Department of

Theory and Methods of Physical Culture

USING THE ELEMENTS OF RHYTHMIC GYMNASTICS AT THE LESSONS OF PHYSICAL CULTURE AT SCHOOL

ABSTRACT

The practical use of the elements of rhythmic gymnastics at a school lesson of physical culture is considered in the paper. The main problem of this article is the need to modernize the modern methods of physical education at school, which can enable the introduction of the elements of rhythmic gymnastics into the school curriculum. Six types of educational materials relating to the physical training of schoolchildren are considered. The main teaching methods of the rhythmic gymnastics elements are also given, including the holistic method and the differentiation method.

Keywords: rhythmic gymnastics, physical training, educational program, modernization of physical training methods, gymnastic subjects, types of educational material, rhythmic gymnastics teaching methods, exercises in rhythmic gymnastics.

Занятия физической культурой являются одним из ключевых средств воспитания личности школьника. В рамках медицины известным фактом является, что физические упражнения многогранно влияют на формирование и развитие воли, сознания, черт характера и морального облика индивида. Внедрение компонентов художественной гимнастики в рамки школьного занятия физической культурой представляет собой неотъемлемую часть оптимального физического развития школьника. Художественная гимнастика может быть рассмотрена в качестве вида

спорта, который является близким к танцевальному искусству, что способствует как физическому, так и эстетическому воспитанию школьников.

В педагогической практике современности компоненты художественной гимнастики все чаще становятся частью занятий физической культурой, поскольку они способствуют оформлению и развитию двигательных умений и навыков, приобщению к моральным и волевым качествам.

Художественная гимнастика обеспечивает укрепление здоровья, способствует физическому развитию, повышает уровень работоспособности школьников, а также развивает двигательные качества, позволяющие выполнять движения в поставленном ритме. Также в процессе занятий школьники развивают эластичность, подвижность, гибкость, ловкость, силу, выносливость, способности координации и прыгучесть.

В ходе подобного занятия физической культурой наблюдается прогресс функционального самочувствия детского организма. Гимнастические упражнения оказывают плодотворное влияние на обмен веществ, а также центральную нервную систему. Мышцы занимающихся развиваются, становясь более эластичными и сильными, приспособляясь к выполнению объемной физической работы [2, С. 31-36].

Кроме того, наблюдается улучшение работы дыхательной и сердечно-сосудистой систем, а также работы опорно-двигательного аппарата и внутренних органов. Научно обосновано повышение общей стойкости организма к неблагоприятным воздействиям со стороны внешней среды. Таким образом, проблема физического развития детей школьного возраста посредством внедрения элементов художественной гимнастики представляется достаточно актуальной для современной педагогической практики.

Традиционные формы спортивной и физкультурно-оздоровительной работы зачастую не отвечают современным требованиям школьного развития, поэтому их модернизация является необходимой. В настоящий момент в ряде крупных стран дальнего и ближнего зарубежья ведется полномасштабный поиск наиболее подходящих методов и подходов организации воспитания детей школьного возраста. Наиболее прогрессивные учебные заведения обращаются в процессе физического воспитания к танцевально-спортивным упражнениям, к которым относятся и элементы художественной гимнастики. Подобные нововведения учебного процесса подразумевают упразднение жесткой регламентации занятия, его эмоциональное насыщение.

Предложение о внедрении методов и средств художественной гимнастики в план школьных занятий физической культурой вступило в действие усовершенствованной школьной программы еще в 1975 году. Однако в это время оно не получило необходимой теоретической и методической поддержки.

Применение компонентов художественной гимнастики в контексте школьного урока физической культуры характеризуется некоторыми особенностями. Школьному материалу свойственна вариация, которая зависит от структуры выполняемых комплексов упражнений и их направленности. Так различают шесть видов учебного материала. Речь идет о разновидностях бега, ходьбы и скачки; о танцевальных шагах, а также их соединениях; об упражнениях, имеющих нагрузку на руки, туловище (выпады, наклоны), а также направленных на развитие равновесия; об упражнениях с использованием предметов; о прыжках с продвижением и на месте; об упражнениях, направленных на расслабление мышц

ног, рук и туловища.

Как правило, в рамках школьной программы, пользуются популярностью несколько основополагающих методов обучения упражнениям художественной гимнастики. Педагоги отдают предпочтение методу обучения при помощи расчленения материала и методу комплексного освоения упражнений.

Комплексный метод широко используется в художественной гимнастике, это можно объяснить доступностью выполнения упражнений. Практически каждое упражнение, соответствующее степени трудности, доступной школьнику, способно быть усвоено целостным образом. Однако необходимо учитывать, что применение целостного метода обучения предполагает наличие широкой двигательной базы, полученной школьником ранее. К подобной двигательной базе относятся элементы, которые являются необходимыми для развития ребенка школьного возраста сами по себе и в качестве основы, которая позволяет осваивать еще более трудные упражнения.

Метод деления или расчленения чаще всего применяется в процессе изучения наиболее трудных упражнений. Он используется для корректировки двигательных навыков, а также для исправления возможных ошибок, допускаемых учащимися. Метод обучения при помощи расчленения применяется при оттачивании точности движений в их отдельных фазах [10, С. 86-97].

Применение методов и средств художественной гимнастики на школьных занятиях физической культурой целесообразно для достижения следующих задач:

- совершенствование двигательных навыков учеников, представляющих собой основу для развития в перспективе;
- выявление одаренных школьников из общей массы учащихся детей. В будущем предрасположенные к художественной гимнастике дети способны целенаправленно заниматься в детско-юношеской школе со спортивной направленностью [9, С. 53-59].

Специалисты заявляют, что обучение упражнениям с предметами играет особую роль в физическом воспитании. Полезными для школьников являются занятия с обручем, мячом, лентой, булавой и скакалкой. Упражнения с этим спортивным инвентарем представляют собой средство овладения специальной координацией движений. С их помощью происходит развитие тактильного, двигательного и зрительного анализаторов, а также пространственных представлений учащегося [4, С. 10-13].

В рамках школьной программы движения учащегося сочетаются с перемещениями предмета, это способствует накоплению спортивного мастерства и обучению многим профессионально-трудовым навыкам. К таковым упражнениям относятся следующие:

- бросок - движение, с помощью которого предмет занимает положение без опоры;
- хват, представляющий собой движение, фиксирующее предмет;
- ловля, то есть фиксирование предмета после того, как он находился в состоянии свободного перемещения;
- кат - пространственное перекатывание предмета;
- мах, характеризующийся как свободное передвижение предмета при помощи рук;
- вращение, то есть круговое перемещение предмета.

Предметы, используемые в художественной гимнастике, отличаются друг от

друга по форме, фактуре материала и весу. Педагог должен выполнять подбор приемов и техники выполняемых упражнений в соответствии с этими параметрами [5, С. 319-321].

Наиболее благоприятная степень физической активности учащихся обеспечивается посредством грамотного построения режима двигательной активности как в школе, так и дома. Однако, как показывает практика, в контексте школьного образования у детей редко имеется возможность получать необходимый уровень физической нагрузки.

Данная проблема может быть решена при помощи внедрения приемов художественной гимнастики в рамки занятия физической культурой еще на уровне начальной школы. Чем раньше будет положено начало строительству физиологических основ организма школьника, тем незначительнее будет риск образования отклонений от общепринятой нормы в моторике и психофизическом развитии. По мнению врачей, предупредить отклонения моторного развития проще, чем скорректировать его в дальнейшем [8, С. 223-227].

На вводном уроке педагогом определяются цели учебной деятельности, учащимся доносятся общепринятые требования, раскрывается содержание образовательного материала, проверяется степень физического развития. К таковым занятиям относится освоение неизвестного ранее материала и закрепление пройденного. Также выделяются смешанные уроки, сочетающие в себе освоение, воспроизведение и усовершенствование упражнений. Последние пользуются популярностью в школьных заведениях [7, С. 10-14].

Контрольные занятия применяются после того, как будет завершена какая-либо часть программы физической нагрузки. На подобных уроках педагогом производится оценка исполнения гимнастических упражнений [8, С. 112-117].

Помимо задачи укрепления физического здоровья учащихся занятия физической культурой, насыщенные элементами гимнастики, способствуют достижению ряда воспитательных целей, среди которых воспитание сосредоточенности, организованности, силы воли, необходимой для преодоления трудностей, аккуратности, эстетики движений, коллективизма и так далее. Таким образом, воспитательные и оздоровительные цели достигаются совместно с образовательными [6, С. 77-81].

Н.О. Андреевой был проведен педагогический эксперимент, направленный на определение характера влияния элементов художественной гимнастики на физическое воспитание детей школьного возраста. На занятиях физической культурой исследователем было предложено применять упражнения, предполагающие подбрасывание, ловлю и перебрасывание гимнастического мяча. Любое из перечисленных упражнений выполнялось школьниками на протяжении тридцати секунд.

По итогам эксперимента было обнаружено, что при визуальной оценке уровня развитости моторно-двигательных качеств детей, выполнявших предложенные гимнастические упражнения, очевидной становится позитивная динамика их физической развитости. Также был отмечен прогресс в овладении школьниками навыков рисования и письма [1, С.1-4].

Таким образом, выполнение элементов художественной гимнастики в школьных учреждениях положительно влияет на физическое развитие школьников. Повышается способность организма адаптироваться к нагрузкам. Кроме того, элементы художественной гимнастики обеспечивают приобщение учащихся к

постоянным занятиям спортом, отбор подготовленных и одаренных учащихся для дальнейших занятий в специализированных школах со спортивным уклоном. В настоящий момент наблюдается рост популярности гимнастических упражнений в рамках школьной программы. Как показывает история, гимнастика в отечественной программе физического воспитания представляется одним из самых доступных средств разностороннего нравственного, физического и эстетического воспитания.

Сноски / Иқтибослар / References


1. Андреева Н.О. Процесс обучения элементам художественной гимнастики (технике бросков и ловли мяча) на уроках физической культуры в средней школе как один из средств развития ловкости и гибкости у младших школьников// Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта, 2011. - № 4. - стр. 4.
2. Байер В.В. Составления тренировочных комбинаций на различные виды координационных способностей на этапе предварительной базовой подготовки в художественной гимнастике (на примере упражнений с булавами) //В.В. Байер, А.Я. Муллагильдина//Физическое воспитание студентов творческих специальностей, 2004. - № 2. - стр. 31 - 36.
3. Боброва Г.А. Художественная гимнастика в школе/Г.А. Боброва- М.: Физкультура и спорт, 1978. - стр. 208.
4. Козлов И.М. Взаимосвязь темпа и ритма биомеханической структуры спортивных движений/И.М. Козлов, А.В. Самсонова, В.Н. Томалов//Теория и практика физической культуры, 2003. - № 2. - стр. 10 - 13.
5. Николаева Э.С. Методика подготовки юных спортсменок в художественной гимнастике и выполнение упражнений с предметами/ Э.С. Николаева//Состояние и перспективы развития физкультурного образования на современном этапе: материалы Международного научной-практической конференции. - Белгород, 2007. - стр. 319- 321.
6. Палыга В.Д. Гимнастика/В.Д. Палыга. - М.: Просвещение, 1982. - стр. 26.
7. Петров П.К. Методика преподавания гимнастики в школе: Учебник для студентов ВУЗов/П.К. Петров - М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС, 2000. - стр. 448.
8. Приймаков А.А. Закономерности развития и совершенствования координации движений у детей 7-9 лет/ А.А. Приймаков, И.И. Козетов//Наука в олимпийском спорте, 2000. - №1.- стр. 53 - 59.
9. Чепурина О.В. Использование средств и методов художественной гимнастики на уроках "основы здоровья и физической культуры" в младших классах средней школы/О.В. Чепурина, И.П. Закорко, А.В. Журавель и др.//Физическое воспитание студентов творческих специальностей, 2002. - № 4. - стр. 86 - 97.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Абдуфатаев Шержаҳон Абдуазимович
Гулистон давлат унверситети ўқитувчиси
Тўйчиев Атҳам Амруллаевич
Гулистон давлат унверситети ўқитувчиси

**ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ МАШҒУЛОТЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

For citation: Sh.A.Abdufataev, A.A. Toichiev. Innovative Use of technologies in the development of creative ability of students in technological education. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 57-63

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-9>

АННОТАЦИЯ

Жамиятимиз ривожланишининг чуқур иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги босқичида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш сифатини ошириш йўллари ва воситаларини излаб топиш замонавий педагогиканинг асосий долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Калит сўзлар: инновацион технология, шахсий ижодкорлик, педагогик технология, мультимедиа, ноанъанавий таълим, касбий таълим, тезаурус, фасцинация, майевтика, маҳорат дарси.

Абдуфатаев Шеряхон Абдуазимович
преподаватель Гулистанского
государственного университета
Тойчиев Атам Амруллаевич
преподаватель Гулистанского
государственного университета

**ИННОВАЦИОННАЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ В
РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКОЙ СПОСОБНОСТИ УЧАЩИХСЯ В**

ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ОБУЧЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

На современном этапе глубоких экономических и социальных изменений в развитии нашего общества одной из основных задач современной педагогики остается поиск путей и средств повышения качества образования студентов.

Ключевые слова: инновационные технологии, личностное творчество, педагогические технологии, мультимедиа, нетрадиционное образование, профессиональное образование, тезаурус, увлечение, маевтика, мастер-класс.

Abdufataev Sheryakhon Abduazimovich

Gulistan State University teacher

Toichiev Atam Amrullaevich

Gulistan State University teacher

INNOVATIVE USE OF TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF CREATIVE ABILITY OF STUDENTS IN TECHNOLOGICAL EDUCATION

ANNOTATION

At the present stage of deep economic and social changes in the development of our society, one of the main tasks of modern pedagogy remains the search for ways and means to improve the quality of students' education.

Keywords: innovative technologies, personal creativity, pedagogical technologies, multimedia, non-traditional education, vocational education, thesaurus, hobby, maevitics, master class.

Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим ислоҳоти бевосита унинг демократик, бозор муносабатларига ўтиш жараёни билан бирга амалга ошмоқда. Мазкур жараёнлар моҳиятан педагогик таълим тизими кадрлар тайёрлаш имкониятларининг тубдан яхшиланишига, жамиятни оғишмай ривожлантириш негизида умумжаҳон таълим муҳитига мос тарзда узлуксиз таълим тизимини яратишга олиб келади. Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, инновацион технологиялар ёрдамида таълим сифатини ошириш гоёси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи - ижодий қобилиятларни ривожлантириш, технология фани орқали миллий қадриятларга, атроф-муҳитга нисбатан муносабатларни ҳам киритиш мумкин. Таълимдаги инновация жараёнлари характери киритилган янгиликнинг хусусиятлари, педагогларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларнинг инновацион фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади. [6, С.60] В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Виленский, ўзбек олимларидан Ж.Ф.Йўлдошев, Р.Ж.Ишмухамедов, У.Толипов, Н.Сайидахмедов, Н.Н.Азизходжаева ва бошқалар томонидан бу муаммоларнинг ечими устида изланишлар олиб борилган ва ҳозирда ҳам тадқиқ қилиниб келинмоқда. Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузьмина, А.А.Деркач ва бошқалар касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий даврлари,

босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг баркамоллиги, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга етишдаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шуғулланганлар. [2, С.272] В.А.Сластенин юксак барка-молликка, ижодий фаолиятининг давомийлигига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифати, субъектив омиллари эса инсоннинг истеъдоди ва қобилияти, ишлаб чиқаришдаги вазифаларни самарали ҳал қила олиш масъулияти, мутахассисликка ёндашувини киритади. [5, С.157]

Юксак касбий баркамолликка эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- истеъдод нишонлари;
- уқувлилик;
- қобилият;
- истеъдод;
- оилавий муҳит;
- таълим муассасаси;
- шахсий хатти-ҳаракати.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- интеллектуал-ижодий ташаббус;
- билимлар кенглиги ва чуқурлиги, интеллектуал қобилияти;
- зиддиятларга нисбатан ҳушёрлик, ижодга танқидий ёндашув,
- яратувчиликка вужудан курашчанлик қоби лияти;
- ахборотларга ташналик, муаммолардаги ғайриодатийлик ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, ақлий баркамоллик, билимга бўлган чанқоқлик.

В.А.Сластенин шахсий ижодкорликни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифалари деб қуйида-гиларни белгилайди:

- ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;
- педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаб туриш;
- самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгиладиган янги технологияларни топиш;

- ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши орқали шахсий ривожланишни таъминлаш. [5, С.201]

Демак, таълим олувчиларнинг билим фаолиятларини рағбатлантирувчи усул - фаол таълим бериш усули ҳисобланади. Суҳбат, баҳс, ўйин, кейс-стади, лойиҳалар усули, муаммоли усул, ақлий ҳужум ва бошқалар энг кўп тарқалган ва алоҳида хусусиятга эга бўлган таълим усуллари дир.

Шу тариқа ўқувчиларнинг шахсий ижодкорлигини шакллантириш касбий кўникмаларининг ривожланиши ва янгиланишининг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади. Республикамизнинг барча таълим жабҳаларида бўлганидек технология фани соҳасида бу муаммонинг ечимини топиш устида анчагина изланишлар олиб борилган. Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини соҳасида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган фаол таълим бериш усуллари амалда татбиқ қилиш устида ижобий ишлар қилинган. Б.Б.Бойметов ўқув машғулотларида асосан миллий нақшларни чизишни таклиф этган бўлса, Р.К.Ражабов ижодий қобилиятларни ривожлантириш учун устоз-шогирд тизимида талабалар билан индивидуал ишлашга кўпроқ урғу беради. С.Ф.Абдирасилов "педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ? ўзлаштирган

назарий билимлар билан янги ўз-лаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларининг юзага келиши билан белгиланади", деб таъкидлайди. К.М.Гулямовнинг илмий тадқиқот иши кейинги вақтда инновацион технологияларнинг таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ қилиниши, таълим мазмунини бойитиш, уни такомиллаштириш ва ўқувчилар билимини ўзлаштиришда жадаллаштириш, ҳамкорлик ҳамда яқка тартибда таълим олиш ва таълимни комплекс лойиҳалаштириш муаммоларини ечиш га қаратилган. [4, С.17] Бу жараёнда шахс ўзининг фикри, диққат-эътибори ва айти пайтдаги ҳиссий кечинмаларини иш фаолиятининг самарали бўлиши томонга йўналтиради. Субъект-объект муносабати асосида қайтар алоқа ўрнатади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик, "устоз-шогирд" муносабатлари қарор топади. Маълум бир муваффақиятга эри-шиш эса янги куч, ўз иқтидорига ишонишнинг омили бўлиб хизмат қилади. Шахс манфаати жамият манфаати билан тобора уйғунлашиб боради. Ҳозирги кунда шубҳасиз эскирган педагогик усуллар ёрдамида янги сифатли таълим олиш мумкин эмас. Таълим жараёни замон билан ҳамнафас янги инновацион технологияларни талаб қилмоқда. Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўз-ўзини сафарбар қилиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривож-лантириш бўлиб, у ўқувчиларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш ва касбий ихтисослашувининг фаоллашувига олиб келади. Ҳаётимиздаги янги шарт-шароитларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнида компьютер воситалари ва ахборот технологиялардан фойдаланишни ахборот ҳажмининг кўпайиб кетганлиги, коммуникабеллик, жамиятдаги илмий-техник ривожланиш билан изоҳлаш мумкин. Педагогик фаолият босқичма-босқичлигини назарда тутадиган инновацион технология бўлажак мутахассисни ҳаётий ўқув фаолиятини мустақил кура оладиган, унга тузатишлар кирита оладиган фаол, ижодкор шахсни шакллантиришга қаратадиган замонавий инновацияларни ўзлаш тириш ва ишлаб чиқиш жараёни ҳисобланади. Педагогик инновация - таълим жараёни сифатини ошириш ва педагогик амалиётни сифат ва сон жиҳатдан ўзгартиришни мақсад қилади. [1,С.5] Замонавий таълимни матн, графика, видео ва мультипликация ва шу билан компьютерни ўқув жараёнида қўллаш имконини оширадиган мультимедиа технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таклиф қилинаётган тасвирни кўриш билан бирга талабанинг об-разли фикрлаши материални яхлит қабул қилишига ёрдам беради. Уларда назарий ва кўргазмали материалларни ўзаро мужассам-лаштириш имконияти пайдо бўлади. Кўргазмали ахборот ишлатилганда, тасаввур ҳосил бўлиши оғзаки баёндан кўра ўртача 5-6 мартаба тезроқ кечади. Инсоннинг кўргазмали ахборотдан таъсирланиши, оғзаки ахборотдан кўра анча юқори бўлади. Кўпчилик ҳолларда у охиригисини ўтказиб юборади. Кўргазмали ахборотни қайта такрорлаш осон ва аниқроқдир. Одамнинг кўргазмали ахборотга ишончи оғзаки ахборотдан кўра юқори бўлади. Шунинг учун "юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрмоқ афзалроқдир" деб бежиз айтилмаган. [3,С.41] Технология фани жараёнида машғулот мавзусига доир билимларни мустаҳкамлаш ва фикрлашини ривожлантириш мақсадида инновацион таълим технологиялари (лойиҳа), интерфаол методлар график органай-зерлардан унумли фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларнинг интеллект даражаси, касбий лаёқатини аниқлашга қаратилган турли ностандарт тестлардан фойдаланиш компьютер воситалари орқали амалга оширилади. Бунда тестли вазифалар фақат сўзлар ифодаси эмас, балки анимацияли лавҳалар кўринишида

бўлади. Компьютер тех-нологияларини қўллаб ишлаш жуда қизиқарли бўлиб, улар томонидан бажонидил қабул қилинади, ўқувчилар шахсий хислатлари тарбияла-надиган жиддий ижодий фаолиятларга жалб қилинади. Тасвири бадий безаклар ижобий руҳий муҳитни яратиб, аста-секин ўқувчиларда муайян маданий-ахлоқий хусусиятлар пайдо бўла бошлайди, уларнинг дунёқарашлари кенгаяди. Компьютердаги ахборот алмашиш та-мойиллари анъанавий дарсни ташкил этишдан уни қайта қуриш имкониятларини туғдиради. Дарслар қуйидагиларга асосланса янада са-марали бўлади:

- тезаурус - тушунчалар тизими ўқитувчи ва ўқувчиларни бир хил маъноли изоҳлар билан таъминлайди;

- фасцинация - намоёиш этилаётган материалнинг жозибadorлиги ўрганилаётган мавзуга қизиқишни оширади;

- майевтика - ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда ижод қилиш тамойили, чуқур билим олиш, буюм ясаш жараёнини идрок қилиш ва яратилиш жараёнини тушуниб этиш ва олинган ахборотларни амалда қўллай олиш қобилиятларини шакллантиради;

- машғулоти ҳикоя, маъруза тақдиротлари, янги материални репродукциялар кўринишида намоёиш қилиш каби мультимедиа чиқишлар билан ўтказиш;

- аудитория, кутубхона ёки уйдаги шахсий компьютердан фойдаланиб машғулотларга тайёр ланиш, уйга вазифани бажариш - ахбо-ротлар тўплаш, матн устида ишлаш, мультимедиа яратиш;

- ўқувчиларнинг синифда, кичик гуруҳ-ларда бажарадиган вазифалари ва мустақил ишларини компьютерда бажаришни ташкил этиш; бу таълимга хусусий ёндашишни юқори даражада амалга ошириш имконини беради;

- таълим жараёнининг оптимал вариантини танлаш, унинг самарadorлигини ошириш, ўқитувчи ва ўқувчилардаги ортиқча юкни бартараф этиш; бу фанлараро ўзаро боғлиқлик.

Инновацион технологиялар ёрдамида амалий санъат асарларини кенгроқ ва яхлит идрок этиш учун имкон берадиган машғулотларга кўпроқ диққат қаратилади. Компьютерлар орқали амалий санъат асарларини таҳлил қилиш, музейлар бўйлаб виртуал сайёҳатлар уюш тиришда ҳар хил овозли матнлар, мусиқа, анимацион безаклардан фойдаланиш тасвирий санъат, адабиёт, мусиқа ва бадий ижодкорлик, инновацион технологияларнинг ўзаро боғлиқлигини амалда синаш машғулотларда ўқувчиларнинг фаолиятини жонлантиришга хизмат қилади.

Таълимнинг ўзаро боғлиқлиги ўқувчиларда билим олиш ва санъатга қизиқишларини оширади. Материал мазмуни ҳамда янги таълим усуллари таъсирида ўқувчида фикрлаш, изланиш, янгиликларни оча олиш, асослаш, татбиқ этиш, компьютерда билим олиш воситаси сифатида муносабатда бўлиш кўникмалари ривожланади, мустақил ижодкорлик тажрибаси ошади. Янги авлод мультимедиа технологиялари билан фаол шуғулланганда ўқувчилардаги бадий санъат асарларини идрок қилиш тезроқ шакланади. Технология фани машғулотларида инновацион технологияларнинг фаол қўлланилиши ўқувчилардаги бадий санъат асарларини идрок этиш қобилиятларини шакллантириш, компью-тер дастурлари билан ишлаш фаолиятини ривожлантириш, билим ва кўникмаларнинг маънавий аҳамиятини оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда компьютер технологияси таълимнинг янги мазмуни ва шахс ривожланишига мувофиқ билимларни берадиган асосий восита ҳисобланади. Бу

восита ўқувчида қизиқиш билан ўқиш, ахборот манбаларини топиш, янги билимларни ўзлаштиришда мустақиллик ва

масъулият ҳиссини тарбиялайди, интеллектуал интизомни ривожлантиради. Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустақкам назарий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, ижодий фаолиятларини ривожлантириш, уларнинг касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик инновацион технологиялардан фойдаланиш давр тақозоси бўлиб, ижтимоий зарурият сифатида кун сайин долзарблиги ошиб бормоқда. Таълим жараёнига бу технологияларни татбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди. Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига тўртки бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги бар камол шахс ва малакали мутахассислар фаолиятларининг ривожланиши ижтимоий тараққиёт тезлашувига олиб келади. Буни тушуниб етган кўплаб педагоглар технология фани машғулотларида инновацион технологияларни қўллашда компьютер воситаларидан унумли фойдаланиб келишмоқда. Улар бу воситалар орқали мавзуга оид "маҳорат дарси", жаҳон музейларига саёҳат, буюк

бадий асарлар таҳлилларидан иборат видео-тасмалар намойиши, график органайзерлар, ностандарт тестлардан фойдаланишади.

Технология фани машғулотларида фойдаланиш имкониятлари ҳақи-даги шундай умумий хулосага келинди:

1. Компьютер ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотини яхшилашда ижобий натижага эришиш учун қулай ҳамда кенг имкониятларга эга.

2. Таълимда кўргазмали тушунтириш ҳамда репродуктив усулларни қўллашнинг янги ва сифатли даражага кўтарилишини таъминлайди.

3. Машғулотларда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш таълим шакли, ўқувчилар билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилади, диққатни жамлайди, шахснинг ижодкорлик имкониятларини оширади.

5. Проекторлардан фойдаланиш матнлар билан ишлаш, ўргатувчи видеороликлар намойиш этишда қулайлик яратади, кўргазмалиликни оширади, вақтни тежайди.

6. Электрон энциклопедиялар билан танишиш, жаҳон музей ва кўргазма заллари бўйлаб виртуал саёҳатлар уюштириш имконини беради.

7. Компьютер технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг интернет орқали ахборотлар излаш, топиш, танлаш ва олинган маълумотни жамлаш каби мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради.

8. Тестлардан фойдаланиш нафақат вақтдан ютиш, материаллар сарфини камайтириш, балки ўз билими ва имкониятларини объектив баҳолашга имкон беради.

9. Машғулотларда компьютер технологияларини қўллаш ўқувчиларнинг технология фанига қизиқишлари ва таълим сифатининг ошишига олиб келади.

10. Технология фани машғулотларида нақшлар, чизмалар, жадвалларни ёрқин ва қизиқарли шаклларда кузатиш, объектларни фото ва видеотасмалар воситасида кўриш, у ёки бу мавзудаги материални аниқ идрок этиш, танланган материални қизиқарли шаклда тасвирлашга ёрдам беради. Шундай қилиб, машғулотларда

ва дарсдан ташқари вақтларда инновацион технологиялардан фойдаланиш вақтни тежаш, шахсий ижодкорликни ривожлантириш, психологик-педагогик билимлар асосида ўқув-тарбиявий фаолиятни тўғри ташкиллаштиришга имкон яратади. Бундан ташқари, технология фани дарсларида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш:

- Ўқувчиларнинг идрок қилиш фаолиятини ривожлантиради ва ўқув жараёнини фаоллаштиради;
- қисқа вақтда катта ҳажмдаги ишлар бажа-рилади;
- ўқувчилар назарий билимларини текшириш жараёнини тезлаштиради;
- билим ва кўникмаларни мустаҳкамлайди;
- дарсдан ташқари вақтларда талабаларни фаол ижодий фаолиятга йўналтиришга сабаб бўлади.

Сноски / Иқтибослар / References


1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: "Молия", 2003.
2. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. - СПб.: "Питер", 2001. -С. 272.
3. Вишнякова Н.Ф. Креативная психопедагогика. Психология творческого обучения. - Минск: Изд. НИОРБ "Поли Биг", 1995. -С. 129.
4. Гулямов К.М. Касб-хунар коллежларида халқ амалий санъатини ўқитиш методи-каси (наққошлик санъати мисолида). - Т.: ТДПУ, 2012. -56-58-б;
5. Слостенин А.А. Профессионализм учителя как явление педагогической культуры. "Педагогическое образование и наука", 2004, № 5.
6. Султанов Ҳ.Э. Тасвирий санъат машғулотида талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришда инновацион технологиялари. Замонавий таълим / современное образование 2016, 11

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Юсупова Дилором
Андижон Давлат Университети
"Умумий педагогика" кафедраси
Ассистенти

ТАЛАБАЛАР МУЛОҚОТИ ЭТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

For citation: D. Yusupova. Students communication ethics features. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 64-69

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада талабалар мулоқотининг умумий мазмуни ва моҳияти, шахслараро муносабатлардаги роли, ҳамда педагогик фаолиятда зарур бўлган назарий ва амалий тавсиялар, дўстона муносабатлар ўрнатиш масалалари ёритилган .

Калит сўзлар: интерфаол, перцептив, мулоқот, психодрама, дўстона муносабат

Юсупова Дилором
ассистент кафедрасы "Общая педагогика"
Андижанского Государственного Университета

ОСОБЕННОСТИ ЭТИКИ СТУДЕНЧЕСКОГО ОБЩЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье обсуждается общее содержание студенческие общение, его роль в межличностных отношениях, а также теоретические и практические рекомендации, необходимые в обучении и способы установления дружеских отношений

Ключевые слова: интерактив, восприятие, общение, психодрама, дружеские отношения

Yusupova Dilorom
assistant of the division of

"General Pedagogy"
Andijan State University

STUDENTS COMMUNICATION ETHICS FEATURES

ABSTRACT

The article discusses the general content of communication, its role in interpersonal relationships, as well as theoretical recommendations needed in training and ways to establish friendships

Key words: interactive, perception, communication, psychodrama, friendships

Бугунги шиддаткор ҳаёт одамлар билан бемалол мулоқот қила оладиган, мустақил фикрловчи, ақл - заковат билан тўғри йўлни топишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунда ўқитувчилар томонидан таълим ва тарбия жараёнида ноанъанавий усулларни қўллаш орқали талабаларга нафақат билим берилмоқда, балки улар нутқ этикаси ва мулоқот маданияти, тинглаш одоби, мустақил фикрлай олиш кўникмаларига ўргатилмоқда.

Шундай экан, мутахассисларнинг ўзига хос ўрганишлари асосида, мулоқот мураккаб жарараён эканлиги ва бунда уч хил босқич мавжуд эканлигини асослаб ўтишмоқда.

Дастлабки босқич - одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутанин ижтимоий психологияда: "Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, у ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади" [2,106]- деб тўғри ёзган эди. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқотининг характери ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, демак у бошқалар билан суҳбатлашишда, тил топишишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради, дейиш мумкин. Демак бошқалар билан мулоқот - мулоқотнинг иккинчи босқичидир.

А.Н.Леонтьев ўзининг "Психика тараққиётидан очерклар" китобида мулоқотнинг учинчи шакли - авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти тўғрисида шундай ёзади: "Агар барча катта авлод ўлиб кетганида, инсоният тури йўқ бўлиб кетмасди, лекин жамиятнинг тараққиёти анча орқага сурилибгина эмас, балки йўқолиб кетиши ҳам мумкин эди".[2,36]

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати - нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошлашдан иборат. Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониқтирса имо-ишора билан мулоқотда бўламиз. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида коммуникатив, интерактив ва перцептив идрок этиш амалга оширилади.

Мулоқотнинг ҳаётимиздаги шакл ва кўринишларига келсак унинг ҳар бир шахснинг ҳаётий вазиятларга мос келадиган, ўша вазиятлардан келиб чиқадиган кўринишлари ва турлари ҳақида гапириш мумкин. Лекин умумий ҳолда ҳар қандай мулоқот ё расмий ёки норасмий тусда бўлади. Агар расмий мулоқот одамларнинг жамиятда бажарадиган расмий вазифалари ва хулқ-атвор нормаларидан келиб чиқса, масалан, раҳбарнинг ўз қўл остида ишлаётган ходимлар билан мулоқотси, профессорнинг талаба билан мулоқотси ва ҳоказо, норасмий мулоқот - бу одамнинг шахсий муносабатларига таянади ва унинг мазмуни ўша суҳбатдошларнинг фикр-ўйлари, ният-мақсадлари ҳамда эмоционал муносабатлари билан белгиланади. Масалан, дўстлар суҳбати, поездда узоқ сафарга чиққан йўловчилар суҳбати, танаффус вақти талабаларнинг спорт, мода, шахсий муносабатлар борасидаги мунозаралари. Одамларнинг асл табиатларига мос бўлгани учун ҳам норасмий мулоқот доимо одамларнинг ҳаётида кўпроқ вақтини олади ва бунда улар чарчамайдилар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, одамда анна шундай мулоқотга ҳам қобилятлар керак, яъни унинг қанчалик сергаплиги, очиқ кўнгиллиги, суҳбатлашиш йўллари билиши, тил топишиш қобиляти, ўзгаларни тушуниш ва бошқа шахсий сифатлари кундалик мулоқотнинг самарасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳамма одам ҳам раҳбар бўлолмайди, айниқса педагогик ишга ҳамма ҳам қўл уравермайди, чунки бунинг учун ундан расмий, ҳам норасмий мулоқот техникасидан хабардорлик талаб қилинади.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилятларини ривожлантириш ҳар бир киши учун муҳимдир.

Ҳар бир кишининг ўз "Мени" атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиламиз.

Педагогик мулоқот - бу мулоқот турларидан бири бўлиб, педагогик фаолиятда муҳим ўрин тутади.

Биз гуруҳ ва жамоага кирар эканмиз, доим унда турли ролларни бажаришга тўғри келади. Расмий гуруҳда бошлиқ ролини ўйнасак, касалхонада бемор, дўконда ҳаридор, ота - она олдида эса фарзандлик ролини бажарамиз.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан кейин бирмунча ижобий ўзгаришлар юз берди, уларнинг бир қисми миллий истиқлолдан сўнг амалга оширилди. Мамлакатимиздаги давлат ҳужжатлари она тилида расмийлаштирилмоқда, йиғилишдаги маърузалар ўзбек тилида қилинмоқда. Ижтимоий ҳаётдаги катта ютуқлар билан бир қаторда, шахслараро муносабатларда тил одоби, нутқ маданиятида бузилишлар давом этмоқда, ўзбек тилининг мусалфафолиги, аниқ ва лўндалиги, мантиқийлиги, оҳангдорлиги ва силлиқлиги мулоқотда ўз ифодасини топа олмаяпти, натижада узатилаётган фикрларни идрок қилиш қийинлашмоқда. Мулоқот психологиясининг асосий мақсади, аввало мулоқот маданиятини ёшларда шакллантиришдир. Шунингдек, ўқитиш жараёнида бўлажак мутахассисларга мулоқот маданияти, муомала сирларини сингдириш, гуруҳ ва жамоаларда ўзаро муносабатларни мулоқот орқали яхшилашдир. [3,63]

Мулоқот қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- 1) ҳамқорликдаги фаолият жараёнида шахслараро ўзаро таъсир ва мулоқот қонуниятларини ўрганиш;
- 2) Шарқ алломаларининг мулоқот ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиш;
- 3) талабани фаолликка ундовчи муомалавий имкониятлари мавжудлигини таъкидлаб ўтиш;
- 4) талабаларда касбий лаёқатни фаоллаштиришга қаратилган мулоқотни шакллантириш;
- 5) шахслараро муносабатларни мувофиқлаштиришда мулоқотнинг ролини орттириш;
- 6) ўзаро таъсир этишининг айрим оқибатларини ҳисобга олиш.

Биз бўлажак мутахассисларда қўйидаги муомала хусусиятларини шакллантиришимиз зарур:

- муомала маданиятининг назарий асосларини;
- шахслараро муносабатлар қонуниятларини;
- педагогик мулоқотнинг қонуниятларини;
- оилада, гуруҳ ва жамоаларда мулоқотга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;
- шахсда мулоқот шаклланишини ўрганиш;
- мулоқот маданиятини барча гуруҳ ва жамоаларда шакллантириш;
- шахслараро муносабатларда мулоқотнинг аҳамиятини кузатиш;
- мулоқот сирларини билиши ва қўлай олишни;
- гуруҳларда мулоқотни шакллантириш методикаларини ўтказиш;
- оилада мулоқот маданияти, мулоқот сирларидан боҳабар бўлиш;
- мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида педагогик-психологик маслаҳатлар ташкил тиш юзасидан кўникмалар ҳосил қилиш.

Мулоқот шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, бир-бирларини тушунадилар.

Шунинг учун мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштироқ этиб, ҳамқорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади. Инсонда юзага келадиган ҳар хил эҳтиёжларни мақсадга мувофиқ равишда қондириш мулоқот маромига боғлиқ бўлиб. шахслараро муносабат, баркамол авлод, комил инсон ғояларини англатади. Мулоқот муваффақиятининг негизи шахснинг руҳий дунёси, эҳтиёжлари мотивацияси, ҳарактер ҳислати, индивидуал-типологик хусусияти, қобилияти, эътиқоди каби инсоннинг фазилатлари, сифатлари намоён бўлиши, ривожланиши ҳисобланади. Мулоқот жараёнида мулоқотдошларнинг тасаввурлари, қизиқишлари, ҳис-туйғулари, кўникмалари, воқелик натижасини олдиндан сезиш, пайқаш, таъсир ўтказиш услуби таркиб топиши мумкин.[2,63]

Мулоқот ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини руёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди.

Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳияти ҳам, бошқа одамлар томонидан тақлид қилинади ва ҳаёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайритабiiй ижтимоий ҳолат ёки

ҳодисага онгли таяниш - ўзини - ўзи мукаммаллаштириш, ўзини - ўзи руёбга чиқариш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини - ўзи баҳолаш, ўзига - ўзи буйруқ бериш шахнинг руҳий дунёсида муҳим камолот босқичидир. Шунинг учун ички ва ташқи тақлиднинг тушуниш ҳамда уларни босқичма-босқич эгаллаб бориш - бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ҳамда баркамол шахс сифатида шаклланишининг гаровидир.[4,12]

Мулоқотга кириша олмасликнинг асосий сабаби - бу ўзини - ўзи ортиқча ёки паст баҳолаш туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан қуйидагиларга аҳамият бериш ижобий самаралар сари етаклайди:

1) ҳамқорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали мулоқот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтириш.

2) мулоқотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулай позициясини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

3) инсоннинг мулоқот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари тўғрисидаги ахборотни эгаллашга оид махсус машғулотларни уюштириш.

4) шахслараро муносабатлар ва мулоқот усуллариغا мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, тренинг тизимини яратиш.

Хуллас, инсон ўзини идора қилиш, турли вазиятларда ўзини тутиш фазилатлари ўзлаштирилаётган даврда баъзи бир қоидаларга риоя қилса, ҳамқорлик фазилатида маълум ютуқларга эришади:

1. Ижтимоий ҳодисаларнинг ташқи воқе бўлиши нафақат ички руҳий ҳолат ва унинг мазмунини акс эттирибгина қолмайди, балки икки томонлама алоқа туфайли мазкур жараён юзага келади.

2. Ихтиёрий, фаол диққатнинг ташқи объектларга йўналтирилганлиги ва тўпланганлиги турли омиллар таъсири туфайли самарадорлик даражасини пасайтиради, асабий ҳолат ишчанликни камайтириб мулоқот маромига путур етказди.

3. Инсон ўзини эркин, озод, бемалол ҳис этиш ҳислатини ўзлаштириш учун жисмоний кескинлик, асабий таранглик, ақлий зўриқиш орқали кўзланган мақсадига етиши мумкин

Юқоридаги қоидаларга барча талабалар риоя қилиб, гавдаларини тўғри тутиш, муаммоли вазиятларга ва мулоқот мақсадига, маромига мутаносиб тушадиган ҳодисалар, ҳолатлар, шароитлар, муайян муҳит, мазмунли ҳаракатлар, имо - ишоралар, мимика, пантомимика устида иштиёқ билан шуғуллансалар, энгил табассум, илиқ, мийиғида қулиш, чиройли юриш каби машқларни амалга оширсалар, новербал нутқ ёрдами билан шахслараро муносабатни тўғри йўлга қўйиш имкониятига эришадилар. Атрофдагиларда ёқимли таассурот қолдириш, уларда меҳр - муҳаббат туйғусини ўйғотиш мулоқотдош танлашга имкон туғдиради. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан эркинликка эришиш ўзига ишонч туйғусини юзага келтирса, мустақиллик мулоқотда тенг ҳуқуқли шерик бўлишга шарт-шароит яратади.[1,84]

Мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро яқинлиги билан, бир-бирлари билан мулоқотдан қониқиш ҳосил қилганлигининг юксак даражаси, жавоб тариқасидаги ҳис-туйғулар ва афзалликнинг ўзаро тахмин қилиниши билан белгиланадиган ўзаро муносабатлар ва ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг барқарор индивидуал-танлаш тизими сифатидаги дўстлик кишилар муносабатининг алоҳида шакли

сифатида юз беради. Дўстликнинг ривожланиб бориши унинг ўзаро ҳамжиҳатликнинг зарурлигини, ошқоралик ва очиқликни, ишончни, ўзаро фаол ёрдамлашувни, самимийликни ва ҳис-туйғуларнинг беғаразлигини қарор топтирувчи ёзилмаган қонун - қоидага амал қилишини тақозо этади.

Дўстона мулоқот ўрнатиш ва дўст тутиниш муаммоси ўспиринлик ёшида айниқса долзарб масалага айланади. Педагогларнинг кузатишлари, ўспиринларнинг сир сақланадиган кундаликлари, уларнинг "Дўстлик ва муҳаббат тўғрисида"ги мавзуларда ўтказиладиган суҳбатларга қизиқишлари ана шундан далолат беради. Дўст орттиришга бўлган эҳтиёж ўспиринлик ёши учун хос хусусият ҳисобланади. Ўспирин одатда дўстона мулоқотнинг улчови ҳақида етарли даражада аниқ - равшан тасаввурга эга бўлмайди, бу ёшда у кўпроқ интиладиган алоҳида жуфтлашган ҳолда дўстлашувдан кўра кўпроқ ўз тенгдошлари билан кенгроқ маънодаги мулоқотга киришишни тақозо этадиган ўртоқлик анча кенг тарқалган бўлади.

Ўзаро дўстона яқинлик белгисига кўра бирлашган улфатлар, тадқиқотлардан маълум бўлдики, муайян бир касб атрофида гуруҳлар ажрала бошлайди. Дўстлик мулоқоти ўрнатган ва таърифланган бўғинларда, экспериментлар натижасида олинган маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ёшларнинг ўзлари қайси касбни эгаллаш ниятида эканликларини аниқлаган, бўлғуси касб ҳақидаги, унинг имкониятлари ва истиқболлари, унга тайёрланиш йўллари кабилар ҳақидаги ахборот билан бир-бирларини бойитган ҳолда олиб борадиган яширин касб танлаш иши юз беради.

Иқтибослар/ Сноски/References:


1. Мусурмонова О. Маънавият қадриятлари ва ёшлар тарбияси. -Т.: Ўқитувчи, 1995
2. Э. Ғозиев Мулоқот психологияси. Т.: Университет, 2000 й
3. Б. Хусанов, В. Ғуломов Муомала маданияти Дарслик - Т.: "Иқтисод - Молия" 2009 йил
4. X.Khaydarova,O.Pulatova The role of interactive methods importance of English communication for engineering students EUROPEAN JOURNAL OF RESEARCH AND REFLECTION IN EDUCATIONAL SCIENCES Volume 7 number 8, 2019 issn 2056-5852 12 88

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

Дадажонова Мартабохон
Андижон машинасозлик институти
"Саноат ишлаб чиқаришни ташкил
этиш" кафедраси доценти

ПЕДАГОГНИНГ КРЕАТИВЛИК ПОТЕНЦИАЛИ - ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

For citation: M.Dadajonova. Creative potential of pedagogy - As a factor of ensuring the quality of education. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020 pp. 70-75

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-11>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий педагогда креативлик потенциалнинг мазмуни ва моҳияти, йўналишлари, потенциал малакалар ва сифатларнинг фаолиятда намоён бўлиши, педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлари ташаббускорлиги, фаоллиги, креатив қобилиятга эгаллиги, изланувчанлиги педагогнинг бу йўлда амалга ошириши лозим бўлган сайъи-ҳаракатлари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: креативлик потенциали, тафаккурнинг тезлиги, ташаббускорлик, педагогик муаммо, мақсадли-мотивли ёндашув, мазмунли ёндашув.

Дадажонова Мартабохон

доцент Андижанского
машиностроительного
института кафедры

"Организация промышленного производства"

ТВОРЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ ПЕДАГОГА - КАК ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается содержание и сущность творческого потенциала

современного педагога, направления, проявление потенциальных навыков и качеств в деятельности, критерии, определяющие уровень творческого потенциала педагога.

Ключевые слова: творческий потенциал, скорость мышления, инициативность, педагогическая проблема, целенаправленно-мотивированный подход, осмысленный подход.

Dadajonova Martabxon
Andijan Institute of Mechanical
Engineering, Associate Professor of
"Organization of Industrial Production."

CREATIVE POTENTIAL OF PEDAGOGY - AS A FACTOR OF ENSURING THE QUALITY OF EDUCATION

ANNOTATION

This article discusses the content and essence of the creative potential of the modern pedagogues, directions, manifestation of potential skills and qualities in the activity, the criteria that determine the level of creativity potential of the educator. .

Keywords: creative potential, speed of thinking, initiative, pedagogical problem, goal-motivated approach, meaningful approach.

Жаҳондаги глобаллашув ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантириш масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Хусусан, АҚШнинг Гарвард университетида ташкил этилган Career Services маркази томонидан иш берувчилар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра иштирокчиларнинг 74,8% қисми малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон сифатида креативлик ва ностандарт тафаккур тарзи билан боғлиқ сифатларни белгилаган.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, талабалар, илмий-педагог кадрларни замонавий касбий билимлари ва креативлик қобилиятларини ривожлантириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш масалалари Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштиришнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Бугунги кунда жаҳонда таълимга компетентли ёндашув асосида битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш орқали ижодий таълим жараёнини лойҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, талабаларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган креативлик қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек олий таълимнинг таълим сифатини таъминлаш жараёнидаги ижтимоий

ролини ошириш масалалари долзарб йўналишлардан бири сифатида тадқиқ этилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда таълимга компетентли ёндашув асосида битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш орқали ижодий таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, талабаларда касбий фаолият соҳаларига йўналтирилган креативлик қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек олий таълимнинг таълим сифатини таъминлаш жараёнидаги ижтимоий ролини ошириш масалалари долзарб йўналишлардан бири сифатида тадқиқ этилмоқда. Ана шу нуқтаи-назардан илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий касбий таълим мазмунини интернационализациялаш ва модернизациялаш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш асосида талабаларда креативлик қобилиятларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик механизмларини янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.[2,38] Бунда қуйидаги педагогик шарт-шароитларга амал қилиш лозимлиги назарда тутилади:

- педагогларда креатив фаолиятни эгаллаш майллари қарор топтириш;
- билиш эҳтиёжларини шакллантириш ва таълим жараёнида мустақилликни намоён қилиш муҳитини таъминлаш;
- талабаларда ижодий фикрлаш учун қулай имконият яратиш, талабалар томонидан баён қилинган турли-туман фикрлар ва ғояларни бағрикенглик билан қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш, ҳар бир талабада унинг ижодий фикрлашга қодирлиги ҳақидаги ишончни қарор топтириш, уларнинг ижодий фаолликларини мунтазам рағбатлантириш;
- ўқув жараёнини педагог шахсининг хусусиятлари, эҳтиёжлари ва интеллектуал салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда индивидуаллаштириш;
- талабаларда индивидуал, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, уларни муаммоларни ҳал қилишда тайёр, стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қабул қилишга ундашдан иборатдир.

Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради. Кўриниб турибдики, креативлик бевосита шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Унинг ривожланиши эса интеллект-интуиция-мантиқий фикрлаш жараёни таъсирида кечади.

Педагогнинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шarti ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгалликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизда ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.[1,102]

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигида, янги гояларни яратиш, қобилияти, шунингдек, шахс характериға хос жиҳатлар - бир қолипда фикрламасликда, ўзига хосликда, ташаббускорликда, ноаниқликка тоқат қилишда, заковатли бўлишда акс этади.

Педагог креативлик потенциалиға эға бўлиши учун касбий фаолиятида қуйидагиларға эътиборини қаратиши зарур:

- касбий фаолиятиға ижодий ёндашиш;
- янги-янги гояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш ҳамда ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш.

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятиға эғалиги билан боғлиқ.

Педагогнинг креативлик потенциалини ривожлантиришда қуйидаги методлардан фойдаланиш самарали саналади: ижодий топшириқлар, индивидуал ишланмалар, муаммоли вазиятлар, ижодий лойиҳалар, "Заковат" мусобақаси кабилар.

Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятиға эға бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишға интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалға ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятиға эға бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятта йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятға эға. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишға алоҳида эътибор қаратиши зарур.[2,96]

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишға ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишиға ёрдам беради. Педагог ўз олдиға муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишға нисбатан эҳтиёж сезади.

Креативлик потенциалиға эға педагог ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:

- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
- масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
- масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез,
- индукция, дедукция, таққослаш ва б.)ларни қўллаш;
- масалани ҳал қилиш усулларини танлай олиш;
- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
- масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
- масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими

яқунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш.[3,37]

Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциални янада ривожлантиради. Натижада педагог:

- ижодий фикрлашга одатланади;

Ҳ илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини пухта ўзлаштиради;

- педагогика ёки мутахассислик фани ютуқлари ҳамда илғор тажрибалардан фойдаланиш;

- имкониятларини мустақил таҳлил қилади;

- педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойиҳаларни бажаришда фаол иштирок этади.

Педагогнинг креатив потенциали қуйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади:

- Мақсадли-мотивли ёндашув, унда ижодий фаолият қадрият саналади ва у педагогнинг қизиқишлари, мотивлари, фаолиятни ташкил этишга интилишида кўзга ташланади.

- Мазмунли ёндашув, бу йўналишда ўзида педагогик, психологик, махсус ва инновацион характердаги билим, кўникма ва малакаларни акс эттиради.

- Тезкор фаолиятли ёндашувда эса ўзида маълум фикрий-манتيқий фикрлашга доир ҳаракатлар, шунингдек, амалий (махсус, техник, технологик) фаолият усуллари ифодалади.

- Рефлексив-баҳолашда эса бунда шахсий ижодий фаолият моҳиятини англаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш кўзга ташланади.

Педагогнинг креативлик потенциали кўп даражали жараён ва у қуйидаги бир қатор тамойилларга таянади:

- Муаммоли характерга эгалиги;

- Имкониятларни ошириб бориш;

- Ижодий йўналтирилганлик;

- Креативликнинг ёрқин намоён бўлиши;

- Индивидуалликка эришиш;

- Бир бутунлик, изчиллик ва тизимлилик;

- Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва хаётий фаолиятда орттирган сифатларининг ўзаро уйғунлашуви.[4]

Педагогнинг креативлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар мавжуд бўлиб, уларга педагогнинг ташаббускорлиги, фаоллиги, креатив қобилиятга эгалиги, изланувчанлиги киради. Ушбу мезонлар педагоглар креатив потенциални уч даражада аниқлаш имконини беради:

Юқори даражада мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгалигини изчил намоёиш этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан бўлади.

Ўрта баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эгалиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади

Паст даражада гарчи у етарлича асосланмаган бўлсада, ташаббусни илгари суришга интилади, креатив қобилияти етарлича намоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки, ҳозирги тезкор даврда юқори потенциаллик даражасини намоён этиш учун мутахассис доимо ўз устида ишлаши,

тинмай изланиши ва фаолиятида мунтазам равишда юқорида зикр этилган ижодкорлик хусусиятларини жамлай олиши керак бўлади.

Иқтибослар/ Сноски/References:


1. Ишмухамедов Р, Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент - 2013 йил
2. Муслимов Н А ва бошқалар . Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компонентлигини шакллантириш технологияси / Монография "Фан технология " нашриёти Тошкент- 2015 йил.
3. Толипова Ж. Педагогик квалиметрия. Тошкент- 2015 йил.
4. .Пўлатова О - Талабаларни мулоқот техникасини ривожлантиришнинг психологик омиллари. "Инновациялар ва таълимдаги ислохотлар контекстида замонавий психология: муаммолар, қонуниятлар ва истиқболлар" мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари УзМУ 06 март 2019 йил 107бет

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР
ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ
INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY**

Бакиева Мухаббатхон Камалиддиновна,
Андижон вилояти халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш ҳудудий маркази катта ўқитувчиси
bakiyeva.m73@mail.ru

**ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ШАХС
СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ ПЕДАГОГИК МУАММО
СИФАТИДА**

For citation: M. K. Bakieva. Upbringing of socially active personality traits in schoolgirls as a pedagogical problem. Journal of innovations in pedagogy and psychology, 5, 2020, pp. 76-81

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2020-5-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўқувчи қизларда ижтимоий фаол шахс сифатларини тарбиялашнинг мазмун-моҳияти, ташкил этиш шакллари ва механизмлари ёритиб берилган. Қизлардаги ижтимоий фаолликни тарбиялаш орқали келажак тарбиячиларининг ўзларини салоҳиятини ошириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб, ҳаётга кўзлаган мақсадларига етишишларида амалга оширишлари керак вазифалар баён этилган.

Калит сўзлар: фаоллик, педагогика, ҳамкорлик педагогикаси, ижтимоий фаоллик, механизм, салоҳият, оила педагогикаси

Бакиева Мухаббатхон Камалиддиновна,
старший преподаватель Андижанского
территориального центра переподготовки
и повешения квалификации работников
народного образования
bakiyeva.m73@mail.ru

**ВОСПИТАНИЕ КАЧЕСТВ СОЦИАЛЬНО АКТИВНОЙ
ЛИЧНОСТИ У УЧЕНИЦ КАК ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА**

АННОТАЦИЯ

В статье описаны сущность, формы и механизмы формирования и воспитания социально активной личности. Рассмотрены задачи по претворению в жизнь поставленных целей, определению жизненных устоев, гражданской позиции будущих воспитателей, повышению их потенциала через воспитание социальной активности.

Ключевые слова: активность, педагогика, педагогика сотрудничества, социальная активность, механизм, потенциал, семейная педагогика

Bakieva Mukhabbatkhan Kamaliddinovna,
Senior lecturer at Andijan Regional
Center of Public Education Training
and Retraining Staff, Uzbekistan
bakieva.m73@mail.ru

**UPBRINGING OF SOCIALLY ACTIVE PERSONALITY TRAITS
IN SCHOOLGIRLS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM****ANNOTATION**

The essence, forms and mechanisms of the formation of socially active personality traits in female students are described in the article. There is a set of tasks that future educators should be able to develop in order to improve their self-esteem, to gain a foothold in society and to achieve their goals in life by fostering social activism in schoolgirls.

Key words: activity, pedagogy, collaboration pedagogy, social activity, mechanism, potential, family pedagogy

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар тамонлама етук шахс сифатида вояга етказиш учун зарур бўлган барча шарт - шароитлар ва имкониятлар яратилгандир. Бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, ҳатто келажаги буюк давлат қуриш вазифасини ҳам аёллар иштирокисиз ҳал қилиш мушкул. Келажаги буюк давлат қуриш борасида биз, энг аввало, ёш авлодга таянамиз. Фарзандни камолга етказиш оилавий тарбияни тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Оиладаги ўғил-қизларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишиши ҳаммадан бурун аёлларимизга боғлиқ.

Бугунги кунда мамлакатимизда изчил ислоҳотлар натижасида юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш билан бир қаторда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи-ёшлар ташаббусларини тўғри йўналтирган ҳолда уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш жараёни кўламини кенгайтириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "жисмонан соғлом, руҳий интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш" [1] каби йўналишлар белгиланган бўлиб, ўз навбатида мазкур жараённи тадқиқий ва таҳлилий йўналишга эга бўлган

педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш заруратини изоҳлайди.

Мустақиллик йилларида тарбия масаласи, хусусан қизлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътибор фарзанд тарбияси, айниқса, қизларимизнинг ўқиб ўрганиши, соғлом ва баркамол, ақлли ва зукко бўлиб, фаол шахс сифатида камол топишида яратилаётган шароитларни инобатга олиб, уларни ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида тўғри йўналтириш долзарб масаладир.

Дарҳақиқат, давлатимиз хотин-қизларга катта эътибор бермоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитларни яратилмоқда. Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабатда ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган аждодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан ҳурматли ва иззатли муносабатда бўлишга даъват этишган.

Республикаимиз БМТнинг "Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари йўқ қилиш ҳақида"ги Конвенциясига, Халқаро меҳнат ташкилотининг "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида"ги Конвенцияларига МДҲ давлатлари ичидан биринчилар қаторида қўшилди. Бу ҳужжатлар хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш ва уларнинг оиладаги ва умуман жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар комплексининг таркибий қисмидир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги давлат сиёсатининг устувор тамойилларига асосланади. Президентнинг - "Оила ва жамият устунлиги, ҳаётимизнинг файз ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал азалдан буюк қадрият бўлиб қолади. Чунки, сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир", деб таъкидлагани бунга ёрқин мисолдир [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармонининг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир [1]. Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Фармонни қабул қилишдан асосий мақсад хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, салоҳиятини тўла намоён этиши, оилалардаги ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади. Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиладаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларни таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаётир. Бундай эркин фаолият мамлакатимизда хотин-қизлар

учун яратилган шарт-шароитлар туфайлидир. Бинобарин, мазкур илмий-амалий анжуманда ҳам узоқ йиллар давомида тўпланган хотин-қизлар ҳаётидаги тажрибалар, эришилган ютуқлар билан бир қаторда бугунги кунда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги мавжуд масалалар юзасидан фикр алмашиш мақсад қилиб қўйилган.

Хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда эътибор кучайтирилаётганлигининг яна бошқа жиҳатлари ҳам бор. Хусусан, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим мақсадлари қаторидан жой олди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим ва тарбияга эътиборнинг кучайтирилиши билан янада мустаҳкамланди. Юртимиз равнақи, фарзандларимизнинг, хусусан қизларимизнинг билимли, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишида, жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишида хотин-қизларимизнинг ҳиссаси каттадир. Юксак маънавиятли ва маърифатли, намунали одоби ва тарбияси билан эътироф этилган оналаримизнинг издошлари бугун давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, илм-фан, маданият, тиббиёт, таълим ва ҳатто ҳарбий соҳада хизматлари беқиёс. Юртимизда хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда уларнинг билимларини кучайтириш учун янада кенгроқ шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг фаоллигини таъминлашнинг асосий омили таълим ва тарбия уйғунлиги бўлиб, унинг қуйидаги босқичларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, оилада ота-оналар томонидан фарзандларга тарбия бериш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлар қаторида, ижтимоий-сиёсий қадриятлар хусусида тушунчалар бериб бориш;

Иккинчидан, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар мамлакат сиёсий ҳаётининг бўлажак иштирокчилари эканлиги хиссини уйғотувчи услубларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш;

Учинчидан, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига ижтимоий-сиёсий билимларга бўлган эҳтиёжини оширишга йўналтирилган фанлардан таълим бериш;

Тўртинчидан, олий таълим ва ундан кейинги босқичларда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни тадқиқ этишга оид илмий-назарий ва амалий фаолиятга рағбат бериш, бунда таълим муассасалари ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш;

Бешинчидан, ёш қизларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда маданият объектлари (кино, театр, музей ва ҳ.к.) билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий-сиёсий тадбирларда уларнинг иштирокини таъминлаш, ушбу йўналишлардаги мунозара-дебатлардаги фаоллигини ошириш;

Олтинчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ёш қизларнинг жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларимизнинг асосини ташкил этади. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ҳам роли катта. Чунки, нодавлат характердаги, турли гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини ифодалайдиган жамоат ташкилотлари бугунги кунда замонавий фуқаролик жамиятининг муҳим институти

этироф этилган. Бундай ташкилотларга хотин-қизларни кенг жалб этиш орқали уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга эришилади, шу билан бирга давлат ва жамият бошқарувида бевосита ва билвосита иштироки таъминланади. Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан олиб борилаётган ишларни икки йўналишга ажратиш мумкин. Зеро, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг 72 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Биринчи йўналиш - таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллигини янада ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш ишларини янада такомиллаштириш бўлиб, ушбу йўналиш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани таълим муассасаларида бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш орқали амалга ошириш мумкин [3, б 35]. (). Хусусан, таълим муассасаларида хотин-қизларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қаратиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикасини кучайтириш, ўқитувчиларнинг кийиниш маданиятига ва одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишларини таъминлаш ҳам бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Иккинчи йўналиш - таълим муассасаларида таълим олаётган қизлар билан ишлашдан иборат бўлиб, ушбу йўналиш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

а) жойларда "Ота-оналар университет"ларини фаолиятини кучайтириш орқали, таълим муассасаси-оила-маҳалла ҳамкорлигини қуйидаги ташкил этиш, бунда, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассислар фаоллигини ошириш:

б) қизларжон клублари орқали таълим муассасаларидаги ўқувчи қизларни фаоллигини ошириш ва уларни турли ҳил тўғаракларга жалб этган ҳолда бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш;

в) ўқувчиларни ҳуқуқий билимларини ошириш, бунда, уларнинг турмуш қуришдаги ҳақ-ҳуқуқлари, никоҳ шартномаси, эр-хотин ўртасидаги ва бошқа оилавий муносабат тўғрисида кўникмаларини шакллантириш;

г) тегишли дарс соатларида ёшларни ҳаётга тайёрлаш, бунда, ҳаётий билими, касб эгаллаши, оилага тайёрлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш:

д) таълим муассасаларида психологлар хизматини сифатли ташкил этиш, бунда, кадрларга эътибор қаратиш, психологик тестлар ўтказиш.

Ўқувчи қизлар шахсининг фаоллашуви жараёнига бир қатор омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказди. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- жамиятда соғлом ижтимоий муҳитнинг қарор топганлиги;
- фуқаролар маънавий-ахлоқий етуклигини таъминлаш масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги;
- таълим-тарбия ишларининг муайян мақсад асосида тизимли, узлуксиз ва изчил олиб борилаётганлиги;
- тарбиявий таъсир кучига эга субъектлар имкониятларининг ягона ижтимоий мақсад асосида тизимли, узлуксиз ва изчил олиб борилаётганлиги;
- шахс омилининг ижтимоий муносабатлар жараёнида етакчи мавқега эга бўлиши ва бошқалар.

Хулоса шуки, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат хотин-қизларимизга чинакам бахтли яшаши учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши,

касбий ҳамда оилавий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратаётир.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ш.Мирзиёев аёлларга байрам табригидан нутқи. Т.2019-йил 7 март
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 16.01.2019-йил., 09/19/33/2485-сон
3. У.Абдуваҳобов. Шахс (Комил инсон ҳақида). - Т.: Ватан, 1996 й. 35-б
4. А.Абдураззоқов. Миллий-маънавий қадриятлар ва уларнинг миллатнинг ўз-ўзини англашдаги ўрни. - Т.: Маънавият, 1997 й
5. Б.Зиёмуҳамедов, С.Зиёмуҳамедов, С.Қодиров. Маънавият асослари. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000 й
6. М.Г.Давлетшин, С.М.Тўйчиева. Умумий психология Т.: ТДПУ, 2002,-202-6.
7. В.М.Каримова. Психология.:Т.: Шарқ, 2000.-256-б.
8. З. И.П.Иванов, М.Е.Зуфарова. "Умумий психология" Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2008. -480-б.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№5 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000